

Хабар

4
(697)-son

27-yanvar

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Бу сонда:

5 бем

ЯНГИ
УСКУНАЛАР
УСТАСИ

6 бем

ЛЮДИ
СТАНОВЯТСЯ
КИБОРГАМИ

7-10 бем

ТВ-ДАСТУРЛАР



11 бем

ИТАЛИЯ ПОЧТАСИ:
ТАРАҚҚИЁТ ТОМОН
ЭНГ ҚИСҚА
ЙЎЛ

ВЕБ-САЙТ:

АХБОРОТ АЙИРБОШЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ



2 бем

Интернет
хамкорларимиз:



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

Haftalik xabarlar

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 январ куни Оқсаройда Россиянинг "Газпром" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари "Газпром" билан ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашувда "Ўзбекнефтегаз" билан "Газпром" ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Сўбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24-25 январ кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида иштирок этди.** Ушбу саммитда Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди.

Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

◆ **Матбуотда "Ҳомийлар ва шифкорлар йили" дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.** Қарорда 2006 йилнинг юртимизда "Ҳомийлар ва шифкорлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда ҳалқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чоратадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш кўзда тутилган.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Миллий истиқлол госяси — маънавий юксалиш ва тараққиёт омилли" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда "Миллий истиқлол госяси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича яратилаётган дарсликларни давр талаби даражасига кўтариш, ўқитувчиларни замонавий билим ва госялар билан қуроллантириш, таълим-тарбия жараёнида илгор педагогик технологиялар ва услублардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Республика "Истеъдод" марказида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Анжуман Президентимизнинг "Инсон ва унинг ҳуқуқ-эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият" мавзусидаги маърузасини олий таълим муассасаларида ўрганиш ва ўқитиш масаласига бағишланди.

◆ **Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Нукус шаҳрида "Мардлар қўриқлайди Ватанини" шiori остида тадбир ташкил этилди.**

Тадбирда Ватанини кўз қорачиғидай асраш, унинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўиши, юртва садоқат билан хизмат қилиш борасида сўз юритилди.

Бугунги кунда давлатларнинг ривожланиш даражасини аниқлашда Интернетдан фойдаланувчилар сони ва ўша мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларининг қай даражада ривожланганлигига ҳам муҳим омил сифатида қаралади. Бу бежиз эмас. Давлат бошқарувида АКТнинг муҳим ўрин эгаллаётгани, "Электрон ҳуқумат" тушунчалари пайдо бўлиб, айрим давлатлар ундан самарали фойдаланаётгани, ахборот олиш ва тарқатишда, савдо-сотик ва иш юритишда Интернетнинг аҳамияти бениҳоя ошиб бораётгани бунга сабаб бўлмоқда. Маълумки, маълумот олиш ва тарқатиш Интернетда веб-сайтлар орқали амалга оширилади. Демак, Интернет қайсидир маънода минглаб, миллионлаб веб-сайтлардан таркиб топган ахборот майдонидир.

ВЕБ-САЙТ: АХБОРОТ АЙИРБОШЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲАМ ВЕБ-САЙТЛАРИГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Веб-сайт — Бутунжаҳон глобал тармоғида маълум ахборот топиш мумкин бўлган виртуал жойдир. Унинг саҳифалари HTML, ASP, PHP, JSP, график ва бошқа файллардан ташкил топган бўлади. Веб-сайтни очиш учун браузер дастуридан фойдаланилади. Энг кўп фойдаланиладиган браузерлар — бу Internet Explorer ва Netscape Navigatorдир.

Умуман, веб-сайтлар корхона ва ташкилотларга ёки давлат идораларига қандай наф қилтиради? Биз нима учун ушбу масалага эътибор қаратишимиз керак?

Веб-сайтнинг тўлиқ имкониятлари ҳақида сўз юритишда бўлсак, газетамизнинг бир неча саҳифаси ҳам етмаслиги мумкин. Қисқача қилиб айтганда, Интернет манзилларидан тижорат ва реклама, ахборот олиш ҳамда тарқатиш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Энг асосийси, ҳуқуқимиз терегини бу масалага жиддий қаралмоқда. Барча давлат органлари ўз веб-сайтларига эга бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилгани, мамлакатимизда электрон ҳуқуматни жорий этиш юзасидан тажриба-синов лойиҳалари амалга оширилаётгани бунга мисол бўлиши мумкин. "Электрон ҳуқумат" лойиҳаси дастлаб Сирдарё вилоятида синовдан ўтмоқда. Жорий йилнинг июн ойида яқунланиши кутилаётган мазкур лойиҳанинг асосий мақсади — давлат органлари ҳужжатлари ва ахборотлари билан танишиш имкониятлари даражасини, давлат бошқаруш органлари фаолиятининг жамият учун очкилиги ва ошқоралигини, бизнес ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизми самарадорлигини юксалтиришдан иборатдир.

Лойиҳа Сирдарё вилоятидаги ҳокимият идоралари ўртасида электрон тизимни жорий этиш ҳамда вилоят ҳокимлиги Порталини яратиш орқали улар фаолиятининг ички самарадорлигини оширишга, ҳокимият ва аҳолининг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ҳокимлик Портали ҳокимлик ва бошқаруш органлари ҳақида турлича ахборотни аҳолига тақдим этади. Шун билан бирга, Портал аҳолини давлат органларига саволлар билан мурожаат қилиш имкониятини туғдирадиган ва жавоб олишни таъминлайдиган интерактив макон сифатида ҳам хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида Сирдарё вилояти бошқаруви ва давлат органларида дастурий таъминот ва замонавий компьютер жихозларини ўрнатиш, Интернетта чиқиб имкониятини берувчи маҳаллий тармоқни яратиш, вилоят бошқаруви ва давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, ҳокимлик фаолиятининг ошқора ва очкилигини таъминлаш, Электрон ҳуқуматни жорий этиш масалалари бўйича вилоятдаги давлат органларининг маъсул ходимларини ўқитиш каби қатор тадбирлар амалга оширилади.

Ушбу тажриба БМТ Тараққиёт Дастурининг "Ўзбекистон ҳуқуматида мамлакат ривожланиши учун АКТ сисематини шакллантириш ва жорий этишда кўмак" лойиҳаси, Халқаро Электралока Иттифоқининг моддий, "Сирдарё Те-

лем" ва "UzNet" филиалларининг техник ёрдами асосида бажарилмоқда. Тендер қолиби — Техпосев А/С компанияси эса лойиҳанинг техник ижроси билан бир қаторда тизим фойдаланувчиларини ўқитишни йўлга қўйган.

МУАММО НИМАДА?

Маълумотларга кўра, "uz" доменидан рўйхатдан ўтган веб-сайтлар сони 3000дан ошади. Бу сон кундан-кунга ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, кўрсаткич ижобийдек туюлиши мумкин. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам борки, уни таҳлил этиш тақозо қилинади. Биринчи муаммо — айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг веб-сайт яратишга бефарқ қарашларидир. Аксарият ҳолатларда раҳбарларнинг сайт ҳақида маълумотларга эга эмасликлари ёки бунинг учун жуда катта маблаг зарур бўлади, деб ўйлашлари ва эскича иш юритишдан воз кеча олмасликлари бу масаланинг эътибордан четда қоллишига сабаб бўлмоқда.

Иккинчи муаммо — мавжуд сайтларнинг янгиликлар билан бойитилиб борибмаслиги. Яъни, яратилганига ойлар, йиллар ўтса ҳам, улар янги маълумотлар билан бойитилмайди.

Кейинги масала — веб-сайтларнинг давлат тилида юритилмаслиги. Юқорида келтирилб ўтилган 3000та веб-сайтнинг ундан бири ҳам давлат тилида эмас. Юртдошларимизнинг асосий қисми ўзбек тилида сўзлашганини ҳисобга олсак, сайтлардан кўпроқ киши фойдаланиши учун бу масалага жиддий эътибор қаратиш лозим. Синов тариқасида қидирув тизимига кириб, ўзбек тилида бирор маълумотни сўрасангиз, саволингизга тайинли бир жавоб топа олмайсиз. Сабаби, Интернет тармоғида ўзбек тилидаги маълумотлар жуда оз микдорни ташкил этади.

Санаб ўтилган ушбу муаммолар бўйича қандай камчиликларнинг бир қисмига, ҳолоқ. Асосийси, аввало Интернет манзилини яратиш ва уни аҳолига фойдаси тегадиган тарзда юритишдан иборат. Сайтлар қанақа шаклда бўлиши, ўзида қандай бўлимларни қамраб олиши кераклиги қабилир эса яна бир масалага мавзу бўлади.

БУГУНГИ АХВОЛ

Ўтган йили мамлакатимизда "Ўзбекистон — 2005" Миллий Интернет-фестивали ўтказилган. Қарий беш ой давом этган Интернет-фестивалда 1000га яқин веб-сайт қатнашди. Интернет технологиялари бўйича етакчи мутахассислардан таркиб топган хайъ-

ат аъзолари 14 йўналиш бўйича "энг яхши"ларни аниқлаб берди.

Ушбу фестивал "uz" доменида рўйхатдан ўтган веб-сайтларнинг бугунги аҳолини яққол кўрсатиб берди. Таъкидлаш жоизки, танлов қолибига айланган веб-сайтларнинг аксарияти тижорий, дам олиш ва ёшлар учун мўлжалланган ҳамда спорт сайтларидир. Айнан мана шу йўналишдаги Интернет манзиллари мукамаллик жиҳатидан ҳам бошқаларидан устунроқ ҳисобланади. Уларнинг устунлиги маълумотларни доимий равишда янгилаб бориш орқали кўплаб Интернет фойдаланувчиларни ўзига жалб қилганидир.

Интернет-фестивалда мамлакатимиздаги барча веб-сайтлар иштирок этиб, деб ҳам бўлмади. Масалан, ўзбек тилида юритилмаган, бироқ "uz" доменида рўйхатдан ўтмаган айрим сайтлар танловдан четда қолди. Мисол сифатида Ўзбекистон Футбол Федерациясининг www.uzfootball.com

веб-сайтини келтириш мумкин. Ушбу сайт айна пайтда мамлакатимизда энг кўп фойдаланувчиларига эга Интернет манзиллардан бири ҳисобланади. Веб-сайтнинг янгиланган кўриниши иш бошлаганига бир йил тўлмасдан, унга мурожаат қилганлар сони 300 000га яқинлашди. Бунга асосий сабаб, сайтдан ҳар куни ўнга яқин янги маълумот ўрин олади. Умуман, оммавий ахборот воситаларини ўртасида ҳам спорт нашрларининг веб-сайтлари қолганларига қараганда фолроқ эканлигини кўриш мумкин.

2005 йилда дунёда Интернетдан фойдаланувчилар сони бир миллиарддан ошиб кетди. Ўзбекистонда эса уларнинг сони 855 мингга етди.

ОАВ ҳақида сўз кетганда, улар томонидан Интернетда ўз манзилларини очишга бўлган эътибор жуда ҳам қониқарсиз аҳволда эканлигини айтиш лозим. Бу Интернет-фестивалда ҳам кўзга ташланди. Агар мамлакатимизда мингдан ортиқ газета ва журналлар, ўнлаб радио ва телевидение мавжудлигини ҳисобга олсак, фестивалнинг ОАВ йўналишида боринчи натижа иштирок этиши жуда ачинарли ҳолдир. Тўғри, кўплаб оммавий ахборот воситалари ўз Интернет манзилларига эга. Бироқ ушбу манзиллар ё очилмади, ёки сўнгги янгилик киритилганига бир неча ойлар бўлган.

Мамлакатимизда таълим тизимига бўлган эътибор, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юрталарини ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Деярли барча олий ўқув юрталари ўз веб-сайтларига эга. Коллеж ва ҳатто мактабларда яратилган веб-сайтларнинг айримлари кўпчиликка ўрнак бўларли даражада. Наманган шаҳридаги 48-мактабнинг <http://namangan48.connect.uz> веб-сайти "Ўзбекистон — 2005" Миллий Интернет-фестивалининг "Халқ сайти" номинациясида иккинчи ўринни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас.

Веб-сайт яратиш ва уни юритишда биринчи навбатда алоқа ва ахборотлаштириш тизимига қорхона ва ташкилотлар барчага ўрнак бўлиши лозим. Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК, UzInfoCom маркази ва яна саноқли ташкилотларнинг веб-сайтларини ҳисобга олмаганда, тизимга тегишли корхоналарда ҳам юқорида санаб ўтилган муаммолар мавжудлигига қолмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаюяти ўзаро муомала қилиш ва ахборот айирбошлашда янги имкониятларни очди. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш эса — замон талабидир.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Фаргона вилояти Давлат алоқа инспекцияси 2005 йил мобайнида вилоят ҳудудида ноқонуний фойдаланилаётган радиоэлектрон воситаларни аниқлаш мақсадида Фаргона Электромагнит мослашув хизмати ва маъмурий органлар ходимлари билан ҳамкорликда тузилган режага асосан 32та рейд ўтказди. Ушбу рейдлар чоғида беш нафар юридик ва 32 нафар жисмоний шахснинг радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун тегишли рұхсатнома олмасдан фаолият юритаётганликлари аниқланди.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ҳуқуқбузарларнинг барчасига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси тегишли моддаларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари қўлланилиб, мансабдор шахслардан 202925 сўм, жисмоний шахслардан эса 575845 сўм миқдоридagi жарималар маҳаллий бюджет ҳисобига тўлиқ ундириб олинди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси, Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказининг Фаргона вилояти бўлими ходимлари билан биргалликда маълумотлар узатиш тармоқлари, шу жумладан, Интернет хизматларини кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мониторингдан ўтказиш жараёнида тўрт нафар юридик ва олти нафар жисмоний шахслар тегишли фаолият

турига лицензия олмасдан хизмат кўрсатаётганликлари аниқланди. Уларнинг фаолияти тегишли лицензия олгунларига қадар тўхтатиб қўйилди ва ҳуқуқбузарликка қўл урган ушбу шахслар ҳақидаги барча маълумотлар вилоят Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудида уяли радиоалоқа ускуналари орқали ноқонуний таксофон хизматлари кўрсатилишининг олдини олиш бўйича Давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ҳам ўтказилди. Натижада уяли алоқа тармоғидан фойдаланган ҳолда ноқонуний равишда маҳаллий ва шаҳарларда телефон алоқаси хизмати кўрсатаётган 21 нафар фуқаро аниқланди, уларга нисбатан ҳам қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилди.

Юқоридаги ҳолатларнинг келиб чиқишига фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчи шахсларнинг аксарият қисми республикамизда қабул қилинган соҳага оид қонун ҳужжатлари билан яқиндан таниш эмасликлари сабаб бўлмоқда. Демак, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектларга яратилган имкониятлардан оқилон фойдаланиш тўғрисида тушунтириш олиб боришимиз, ҳамкорликда сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича мавжуд имкониятларни ишга солиш, амалдаги қонунлар устуворлигини таъминлаш, уларга риоя қилиш ва юқсак самарадорликка эришиш йўлида куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

Мўминжон РАФИҚОВ,
Фаргона вилояти
ДАИ бошлиғи

ХОРИЖ КРЕДИТИ ҲИСОБИГА

хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда

Ҳукуматимиз томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ҳукуматимизнинг бошқа тегишли қарорлари соҳанинг жадал раванқ топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2004 йилда Наманган шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг «HUAWEY» компаниясида тайёрланган 9,5 минг рақамли электрон АТС фойдаланишга топширилган эди. Мазкур АТС (24-АТС)нинг ишга туширилиши натижасида шаҳардаги «Таштакўприк», «Кизилкўприк», «Дустлик», «Лола» мавзелари ва 1-кичик тумандаги миқозлар энг замонавий телефон алоқаси ва АТС-нинг қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга, Наманган шаҳар АТСларини бир-бири билан боғловчи 42,7 км. оптик-толали алоқа кабели ётқизилди. Бу ишларнинг амалга оширилишида Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимлари жонбозлик кўрсатишди.

Вилоятда телекоммуникация тизимини рақамлаштириш, оптик-толали алоқа кабели тармоғини барпо этиш мақсадида Наманган шаҳри ва туманлар марказларини боғловчи 350 кмдан ортиқ узунликдаги оптик-толали алоқа тармоғи қурилиши ниҳоясига етказилди. Барча туманлар марказларига замонавий алоқа линиялари ўтказилиб, рақамли узатиш қурилмалари ўрнатил-

ди. Бу ишлар Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кредити ҳисобига амалга оширилди.

Президентимизнинг 2005 йил 14 февралдаги «ХХР компаниялари ва банклари билан ахборот технологиялари соҳасида инвестиция ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши асосида Хитойнинг «Эскимбанк»и кредити ҳисобига вилоят телекоммуникация тармоғини қайта жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга биноан, вилоятнинг Наманган шаҳри ва барча туман марказларидаги аналогли АТСлар «HUAWEY» компаниясининг 20та замонавий станциясига алмаштирилиб, монтаж ишлари тугалланди. Шу йил ушбу АТСлар ишга туширилса, «Наманган Телеком» филиалининг Наманган шаҳри ва барча туман марказлари телефон тармоқлари нафақат оғоз фойда рақамлаштирилишига, балки хизматлар сифати ҳам янада яхшиланишига эришилади. Хозирги кунга рақамли АТСларга 20 фоиз, яъни жами 14 000дан ортиқ абонент уланди.

Телерадиодастурларни тарқатиш ва аҳоли масканлари телекўрсатувлар қамровини таъминлаш мақсадида JBIC кредити ҳисобига 4-ЛОТ бўйича Чуст туманида РТСни қуриш ва лойиҳанинг 2-босқичи бўйича иккита теледастурларни узатиш қурилмасини ўрнатиш мўлжалланган.

Хозирги кунда айрим сабабларга кўра тўхтаб қолган Чуст РТСдаги мачтаннинг қурилиши бўйича ишлар Андижон «Саноатэнергомонтаж» МЧЖга қарашли мутахассис-қурувчилар томонидан олиб борилиб, ушбу мачтаннинг баландлиги 75 метрга етказилди. Объект ишга тушгач, Чуст туманидаги қишлоқлар аҳолиси теледастурларни бемалол кўриш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бирга, Хитойнинг «Эскимбанк»и кредити ҳисобига вилоятдаги 11та қишлоқда теледастурларни йўлдоғли тизим орқали қабул қилиш ва тарқатиш учун ишлар олиб боришмоқда. Режадаги вазифалар амалга оширилса, вилоятнинг телевидение кўрсатувлари қамрови юз фоизга етади ва кўрсатувлар сифати янада яхшиланади.

Хусанбой ТОҶИБОЕВ,
Наманган вилояти ДАИ бошлиғи

TANQIDDAN SO'NG

МАҚОЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

«Хабар» газетасининг 2006 йил 13 январдаги 2-сонида Самарқанд вилояти ДАИ бошлиғи Жунайдулло Мансуровнинг «СОҲА РИВОЖИГА ТЎСКИЛИК ҚИЛАЁТГАН ИЛЛАТЛАР» сарлавҳали танқидий мақоласи босилган эди. Мақолада, асосан, Самарқанд шаҳридаги 315-АТСга қарашли бир гуруҳ абонентларнинг хонадон телефонлари 2005 йил мобайнида бир неча ой ишламай турганлиги тўғрисида сўз юритилган.

Ушбу мақола «Ўзи-Самарқанд» филиали ходимлари орасида атрофлича муҳокама қилинди. Шикоят ёзган абонентларга ҳамда мутасадди ва юқори ташкилотларга тегишли жавоб хатлари ўз вақтида юборилди.

Маълумки, 2004-2005 йиллар давомида Самарқанд шаҳрида жуда муҳим бўлган қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июндаги 337-сонли қарорига асосан Шохи Зинда меъморий мажмуасини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мажмуада мавжуд бўлган макбараларни таъмирлаш, деворларни мустаҳкамлаш, атрофдаги баландликларни пасайтириб, мажмуа атрофини очиб ишлари бажарилди. Тасдиқлаган бош режа асосида Уста Умар Жўрақулов Шохи Зинда мажмуасига қадар кенгайтирилди.

Кўнадан ўтган коммуникация тармоқлари, канализация ва сув қувурлари, электр ҳамда алоқа кабелларини кўчириш ишлари тўла бажарилди. Бош режа асосида Уста Умар Жўрақулов кўчаси «Чарнини қайта ишлаш» заводининг пастки қисмида Ташкент трактигача узайтирилди ҳамда «Сиб» бозорига кириб келаётган автомобиллар қатновини кескин камайтириш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Кўчада жойлашган ва кенгайтиришга ҳалақат бериб келаётган «Шарк» меҳмонхонаси ҳамда 5бта савдо дўкони бошқа жойга кўчирилди. Шу ҳудудда жойлашган «Кечки бозор» Рудакий кўчасидаги «Сиб» савдо мажмуасига ва янгидан ташкил этилган «Самарқанд-Афросиё» корхонаси ҳудудида кўчирилди.

Уста Умар Жўрақулов кўчасида қишлоқ хўжалик коллежи қурилиши муносабати билан шу ҳудуддаги ҳаво кабел линиялари алмаштирилиб, 540 метр жойга ер ости канализацияси орқали алоқа линиялари ўтказилди ва ўрнатилган талабларга жавоб берадиган ҳолатда ишлатиб келинмоқда. Мазкур ҳолат ДАИ ходимлари томонидан ўтказилган назорат кўриги мобайнида аниқланган ва ижобий баҳо берилган. Бу каби ишларни амалга ошириш учун, албатта, вақт талаб этилади, бир неча корхона ва ташкилотлар биргалликда иш қўриши туфайли ҳар бир иш бажарилиши учун маълум технологик вақт сарфи керак бўлади.

Ер ости коммуникация ишлари амалга оширилган пайтда узрли сабабларга кўра шу ҳудуддаги абонентларнинг телефонлари 2-3 ой давомида ишламай турди. Мазкур ҳудудларда телефонлар вақтинча ишламай туриши ҳақида аҳолига доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар бериб берилган. Шунингдек, олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳамда уларнинг бажарилиши жараёнида алоқа тармоғида телефонлар вақтинчалик ишламай туриши тўғрисида, мазкур ҳудуднинг аҳолиси томонидан қилинган ариза ва шикоятларга алоҳида эътибор бериш кераклиги ҳақида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига олдиндан мурожаат қилинган эди.

Бундан ташқари, «Сиб» бозори атрофида катта магистрал йўлни қайта қуриш натижасида корхонамизнинг линия-кабел ҳужалиги бир жойдан иккинчи жойга кўчирилди.

Мақолада қайд этилган Ф.Абдуллаевнинг телефони вақтинча ишламаганлиги ҳақидаги аризаси «Ўзи-Самарқанд» филиалида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва унга ўз вақтида жавоб берилган.

Шикоятларни кўриб чиқишда алоқа хизматчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларига қатъий риоя этиб келинмоқда.

Абонентлар томонидан кўтарилган барча муаммоларга «Ўзи-Самарқанд» филиали раҳбарияти ўз ваколати доирасида масъулия билан ёндашиб, қўйилган муаммоларни белгиланган қонун-қоида ва йўриқномалар асосида ҳал қилиб келмоқда. «Ўзи-Самарқанд» филиали раҳбар ва мутасадди ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли 2005 йил декабр ойида филиалнинг бир неча АТСларида Хитой Халқ Республикасининг «HUAWEI» С&С-08 русумли электрон АТСлари ўрнатилди.

Хозирги пайтда 215, 216, 217 ва 315-АТСлар электрон станцияга алмаштирилди.

Г.ЛИ,
«Ўзи-Самарқанд» филиали директори

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

КУВАЙТНИНГ ЯНГИ АМИРИ

"Ал-Арабия" телеканалининг хабар қилишича, Кувейт Бош вазири Сабоҳ ас-Сабоҳ мамлакатнинг янги амири бўлди. Етмиш олти ёшни қаршилаган амир Саъд ал-Абдуллоҳ ас-Сабоҳнинг саломатлигига жиддий путур етганлиги сабабли вазирлар маҳкамасининг шошилиниқ йиғилишида ушбу қарор қабул қилинган.

Янги амирнинг тўлиқ исми Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ бўлиб, 1929 йилда туғилган. 1963 йили у амирликнинг ташки ишлар вазири этиб тайинланган ва 1991 йилгача ушбу лавозимда ишлаган. 2002 йили шайх Саъднинг саломатлиги ёмонлашгани туфайли унинг ўрнига Сабоҳ ас-Сабоҳ Бош вазирлик лавозимини эгаллаган.

Маълумки, ушбу йилнинг 15 январиди Кувейт амири Жобир ас-Сабоҳ вафот этган, тахт вориси — Саъд ас-Сабоҳнинг бетоблиги сабабли Кувейтда ҳукумат инқироzi юзага келганди. Ушбу шароитда тахт вориси тақдирини мамлакат тарихида биринчи марта парламент ҳал қилди. Шу лойиҳага ҳокимиятнинг янги ҳукмдорга топшириш масаласи Ас-Сабоҳлар сулоласининг ички оилавий кенгашларида қўриб чиқиларди.



ТАКЛИФ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНМОҚДА

Расмий Тەхрон Россиянинг урани бойитиш бўйича қўшма корхона очиш ҳақидаги таклифи хайрихоҳлик билдирди.

"Биз ушбу таклифни ижобий баҳорлаймиз, — деди Эрон миллий хавфсизлиги олий кенгаши котиби Али Ларижоний Москвада бўлиб ўтган матбуот анжуманида. — Ушбу режа феврал ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги музокараларда янада мукамаллаштириши мумкин. Шунингдек, биз бошқа мамлакатларни ҳам мазкур лойиҳада иштирок этишга таклиф қиламиз."

Ларижонийнинг айтишича, ядро энергиясига эга бўлишга ҳар бир мамлакатнинг ҳаққи бор. Масалан, Франция ўзининг 80 фоиз электр энергиясини АЭСлардан олади.

Шу билан бирга, Тەхрон Хитойнинг ҳам ушбу ҳаракатга қўшма корхона таъсисчиси сифатида қўшилишига эришишни мақсад қилган.

"Spiegel" журналининг маълумотларига қараганда, сўнгги ҳафта ичида Германия канцлери Ангела Меркел АҚШ президенти Жорж Буш ҳамда БМТ раҳбари Кофи Аннан билан бир неча бор телефон орқали мулоқотда бўлган. Мулоқотларда асосан Эроннинг ядро дастури ва бунинг натижасида юзага келадиган вазият муҳокама қилинган.

"Росатом" раҳбари Сергей Кириенко берган маълумотга кўра эса, Москва вақтни бой бермай, Эрон билан урани қайта ишлаш ҳамда бойитиш бўйича очилажак қўшма корхона учун ишлаб чиқариш биноларини тайёрлаб қўйган.

ЯНУКОВИЧ БРЮССЕЛГА БОРАДИ

Украинанинг собиқ бош вазири, Украина регионлари партияси етакчиси Виктор Янукович расмий Киевнинг Россияга нисбатан олиб бораётган сиёсати Украина миллий манфаатларига тўғри келмайди, деб ҳисоблайди.

"Бу бизнинг иқтисодий ҳолатимизни ёмонлаштирди, Европа билан бўлган муносабатларимизга ҳам фойда келтирмади", — деди Янукович Кировоград вилояти радиоси орқали чиқишида. Унинг айтишича, табиий газ масаласи бўйича Россия-Украина муносабатлари Европани хавотирга солмоқда. Тўғри, икки томонлама шартнома имзоланди, лекин бу муаммонинг тўла-тўқис ҳал этилганлигини билдирмайди.

АСИРЛАР ОЗОД ҚИЛИНАДИ

Ироқ адлия вазирлигига қарашли манбаларда хабар берилишича, мамлакатдаги Америка қамоқхоналаридан 424 нафар маҳбус, жумладан, беш аёл озод қилинади.

Маълумотларга кўра, Ироқ қамоқхоналарида жами 7368 нафар маҳбус сақланмоқда. Уларнинг 661 нафари аёллардир. Манбаларда тутқун аёлларнинг озод этилиши — америкалик журналист аёл Жилл Керролни гаровда ушлаб турган қуролланган гуруҳларнинг талабига жавоб эканлиги таъкидланмоқда.

Журналист аёлни ўғирлаганлар уни қайтариш учун ҳукуматдан қамоқхоналардаги барча ироқлик маҳкумаларнинг озод этилишини талаб қилишмоқда.

Америка қўшинлари Ироққа киритилгандан буён бу мамлакатда 250 нафардан ортиқ хорижлик фуқаро ўғирлаб кетилган, улардан 40 нафари ўлдирилган. Жилл Керролни тақдир эса ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

ФАЛАСТИН:

КИМ КЎП ОВОЗ ОЛАДИ?

Сешанба куни Иордан дарёсининг Фарбий қирғоғида 16 сайлов округи ва Ғазо секториди сайлов участкалари очилди ҳамда Фаластин Қонунчилик мажлисига вакиллар сайлаш бўйича овоз бериш бошланди.

Сайловда асосий кураш ФАТХ ҳаракати ва ҲАМАС радикал ислом ҳаракати ўртасида бориши кўтилмоқда. Фаластин жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази олиб борган сўровномаларга кўра, ФАТХ номзодлари 39,6 фоиз, ҲАМАС номзодлари эса 28,8 фоиз овоз тўлаши мумкин.

ҲАМАС ташкилоти бу сайловларда биринчи бор ўз номзодларини қўйган.



ҚОҲИРАДА АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Миср пойтахти Қоҳирада жорий йилнинг июн ойида Бутунжаҳон аёллар форуми — "Давос" иқтисодий йиғини ўтказилади. Унинг ташкилий ишларига Миср президентининг рафиқаси Сюзан Муборак бошчилик қилмоқда.

Бутунжаҳон аёллар саммити ташкилоти президенти Ирен Нативидаднинг матбуот анжуманида айтишича, иқтисодий форум ишида дунёнинг 72 мамлакатининг мингта яқин аёллари, жумладан, давлат раҳбарларининг рафиқалари, вазир аёллар, дунё микёсида таниқли раҳбар аёллар иштирок этиши кўтилмоқда.

"Миср — Мароқашдан сўнг бу каби муҳим нодавлат учрашуви ўтказилаётган иккинчи араб давлатидир, — деди Нативидад. — Аёлларнинг ишбилармонлик ва иқтисодий фаолиятини муҳокама қилишда, мамлакатларда аёллар иштирокида эришилган иқтисодий ривожланишлар бўйича ўзаро малака алмашишда бундай анжуманларнинг аҳамияти каттадир".

Унинг айтишича, ер юзидида ишчи кучининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади ва кўплаб давлатларнинг иқтисодий ривожланишида уларнинг роли тобора ортиб бормоқда.

Ҳозир дунёда кичик бизнеснинг саксон фоизини аёллар бошқармоқда. АҚШдаги умумий раҳбариятнинг 42,4 фоизини аёллар ташкил этади. Бу кўрсаткич Европада — 30 фоиз, Японияда — 25 фоиздир.



НОВОСИБИРСКДА 50 ДАРАЖА СОВУҚ

Новосибирск об-ҳавони кузатиш маркази матбуот котиби Ринат Ягудин Новосибирскда сешанба куни январ ойидаги энг паст кўрсаткич — 49,9 даража совуқ бўлганини маълум қилди.



"Бу киш бошлангандан буён кузатилган энг совуқ ҳароратдир, — деди Р.Ягудин. — 2001 йилда ҳам ҳавонинг шундай каттиқ совиб кетиши қайд этилган".

Тарихда ҳам бундай қаҳратон совуқлар бўлиб турган. Масалан, Новосибирскда 1900 йили ҳаво ҳарорати минус 51 даражага тушиб кетган экан.

Матбуот котибининг айтишича, яқин уч кун давомида Новосибирскда кучли совуқ сақланиб қолади ва ҳарорат 50 даражагача совиб кетади.

ЭРОН ГРУЗИЯГА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ

Грузия ахборот департаментининг маълум қилишича, Эрон Ислом Республикаси Грузияга энергетика танқислигини бартараф этиш учун ёрдам таклиф қилган.

Бу ҳақда Грузия ва Эрон ташқи ишлар вазирлари — Гелой Бежуашвили ҳамда Мотаки Манучехр ўртасида бўлиб ўтган телефон суҳбатиди сўз борган.

"Сўзлашувида жаноб Мотаки Манучехр Грузиянинг энергетика борасидаги муаммолардан ташвишда бўлган Эрон ўз газини етказиб бериш билан ёрдамга тайёр эканлигини маълум қилди", — деган Бежуашвили.

Айни дамда Грузия энергетикалари эронлик ҳамкорлари билан мамлакатга қўшни давлат газини етказиш устида иш олиб боришмоқда.

HAMKASBLARIMIZ

МЕХНАТИ ҚАДР ТОПГАНЛАРДАН...

Энвер Бағдод тумани марказида туғилган. Дадаси Тейфук ака Аджигелдиев автокорхонада темирчи, онаси — Сония ая халқ таълими бўлимида бош ҳисобчи бўлиб ишларди. Энвер болалигида олам-олам орзулар қанотида воёга етди. Мактабни тугаллаётганда, қаерда бўлса ҳам техника соҳасида ўқишни ният қилган эди. Сўраб-билиб, Фарғона тумани Аввал қишлоғидаги касб-хунар билим юртига (ҳозирги коллеж) ўқишга кирди.

Ўқиб йиллари орасида Латвияда йигитлик бурчини адо этиб қайтди. Армияда ҳам алоқа соҳасида хизмат қилди. Тобланди, соҳага меҳри ва қизиқиши ортди. Хизматдан қайтган, ўқишни сиртки бўлимга ўтказиб, "Узэнегроналадка" ташкилотидида ишлади. Билим юртини тамомлагач, 1984 йили Тошкент электротехника алоқа институтини (ТАТУ)нинг сиртки бўлимига ўқишга кирди. Соҳа бўйича ишлаш керак экан. Фарғона шаҳар телефон тармоқлари станциясига иш сўраб борди. Маошида ер билан осмонча фарқ бўлса-да, электромонтёр бўлиб ишлашни маъқул кўрди.

— Ойлиги оз бўлса ҳам майли, соҳани беш кўлдай билиб ол, бир умр қоқилмайсан, нонинг бутун, жамоада ўрнинг бўлади, — дейишганди раҳматли ота-онаси. — Вақтни зое кеткизма...

Дарҳақиқат, тўғри айтишган экан. Ойлиги катта лавозим қутиб, вақтни бой бермади. Монтёрликнинг энг машаққатли кунларини бошидан кечирди. Хавф-хатарлардан жонини олиб қомади. Энди билса, алоқачи электромонтёрлик мактабини ўтамаса, ҳақиқий алоқачи бўлолмас экан.

Энвер декадали-кадамловчи станциялар пайтида иш бошлаган эди. 1993 йилнинг баҳоридида телекоммуникация соҳасида янги бурилишлар даври бошланди. 1994 йил сентябрида Фарғона, Косон, Марғилон шаҳарларида янги рақамли станциянинг тармоқлари фойдаланишга топширилди. Э.Аджигелдиев EDCF лойиҳасига кўра алоқа тармоғини кенгайтириш, шунингдек, JVIC лойиҳасига кўра Фарғона шаҳридаги АМТС ва 22, 23, 24 - станцияларни, Марғилондаги 33 ҳамда Кўкон шаҳридаги 1-АТСларни рақамлиларга алмаштириш ишларида фаол иштирок этди. Бу йил "Хуавей" компаниясининг 52600 рақамли станциясини монтаж қилиш ишларида ҳам унинг билим ва тажрибаси қўл келди.

Энвер билан бир соатлик суҳбат асосида билдимки, у вақтни ўта қадрлар экан. Унинг учун вақт — энг қимматбахо мулк. Жанубий Корея пойтахти Сеулда малака оширган кунларидан гапирганда ҳам, сеуликларнинг вақтни инсонга берилган қимматбахо инъом деб қадрлашларини айтди.

Алоқа соҳасида йигирма йилдан кўпроқ ишлаб келаётган Энвер Аджигелдиев "Фарғона Телеком" филиалида ўз ўрнига эга мутахассислардан. Доимо ўқиб изланади. Шогирдларидан билим ва тажрибаларини аямайди. Рустам Шамшиддинов, Владимир Ежзов, Абдурашид Мамасодиқов, Исроил Халимов, Қодир Рожикодировлар уни устоз сифатида эъзозлайдилар.

— Мен уларнинг тиришқоқлиги, ғайратларига қараб, ҳавасим келади, — дейди Энвер. — Шундай шижоатли ёшлар билан ишлаб, уларга ўргатиб, чарчамайсан киши. Бир вақтлар ўзим Абдувоҳид Жўрабоев, Михаил Хайруллин, Владимир Матохин, Юнусали Элмуродов каби олижаноб инсонлардан хунар ўрганган эдим, уларнинг яхшиликларини ёшларга қайтаряман...

Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси етакчи муҳандиси Энвер Аджигелдиев ана шундай камтар ва соддадил инсон. У Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди. Узоқ йиллар қилган самарали меҳнатлари эътироф этилди. «Меҳнатнинг таги роҳат» деб шунга айтсалар керак. Компютери Интернетни мукамал ўрганаётган ўғли ва қизининг энг илгор, энг етук мутахассислар бўлиб етишишларини орзу қилади — унинг энг олий мақсади ана шу!


Ҳафиза САЛЯҲОВА
Фарғона вилояти

Янги рақамли АТС жиҳозлари жойлашган хоналарга ёзда ҳам, қишнинг совуқ кунларида ҳам кирсангиз, қайтиб чиққингиз келмайди. Гувиллаб ишлаётган климотехника ускуналари автозалда ҳаво ҳарорати ва намлигини белгиланган меъёрда ушлаб туради. Дастлаб хаёлга шу фикр келади: «Бундай жойда ишлаш мазза-да! Мен ҳам йўқ демасдим...»

ЯНГИ УСКУНАЛАР УСТАСИ

Эрталаб ишга келгач, принтерда қайд қилинган маълумотлар билан танишиб, линияга тегишилари алоҳида, станциянинг эса булак қилиб ажратиш, навбатчи электромеханиклар билан биргаликда вазиятни баҳолаш, муҳим маълумотларни бошлиққа маълум қилиш, сўнгра станция жиҳозларига тегишли муаммолар ҳамда носозликларни тугатишга киришиш керак. Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 24-АТС муҳандиси Улуғбек Мамадалиевнинг иш кунлари одатда ана шундай бошланади.

Мазкур АТС жиҳозлари Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда ўрнатилган. Рақамли ускуналар аналоглиларига қараганда камроқ ишдан чиқади, фақат профилактика тадбирларини ўз вақтида бажариш зарур. Асосий ишлар компьютер терминали орқали амалга оширилади. Улуғбек янги АТС қурилишида, монтаж ва синов ишларида шахсан иштирок этган, бундан ташқари, Жанубий Корея-



га малака оширишга ҳам бориб келган.

Баланд бўйли, басавлат Улуғбек билан суҳбатдош бўлганлар унинг тортин-

чоқ, камгап, шу билан бирга, ўз ишини яхши биладиган мутахассис эканлигини тушунади. Нафақат 24-АТС, балки вилоятдаги

бошқа рақамли АТСларда ҳам Улуғбекни янги ускуналар устаси сифатида қадрлашади, ундан маслаҳатлар олиб туришади.

Сўнги пайтда республикамизда алоқа тизимини тубдан қайта қуриш, ўзгартириш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилмоқ-

да. Эскирган телефон станциялари замонавийларига алмаштирилмоқда. Дастлабки босқич — шаҳар ва туман марказларида янги алоқа ускуналари ўрнатилиб, монтаж ишлари тугалланди. Навбатда миҳозларнинг телефон рақамларини янги телефон станцияларига улаш ишлари турибди. Бу — катта масъулият талаб қиладиган, сермашаққат иш. Қайта улаш жараёнида алоқа узлуксизлигини таъминлаш, янгича рақамлаш билан эскирасини мувофиқлаштириш, қисқаси, Улуғбек ва унинг ҳамкасблари ҳал қилишлари зарур бўлган масалалар кўп.

Улуғбек Мамадалиев рафиқаси билан биргаликда уч нафар фарзандни тарбияламоқда. Тўнғич қизи отаси изидан боришга аҳд қилган, ҳозир у Андижон алоқа касб-хунар коллежиде таълим оляпти.

Улуғбек қизи танлаган йўлдан кўнглида мамнунлик туяди...

Раҳмонжон УЗОҚОВ
Андижон вилояти

ORAMIZDAGI ODAMLAR

СПОРТ ФИДОЙИСИ

«Наманган Телеком» филиали ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришда филиалнинг шаҳар телекоммуникациялар боғламаси спорт инструктори Малик ака Исмановнинг хизматлари катта. Бутун умрини спортга бағишлаган, салкам 25 йилдан бўён алоқачилар сафиди самарали меҳнат қилиб келаётган бу инсонга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Олтмиш беш ёшли спорт жонқуярининг қувноқлиги, одамоҳунлиги, ёшларга ҳос хусусиятлари кишини ўзига жалб этади. Уни гоҳ тенгдошлари, гоҳ ёшлар орасида учратасиз, ҳамкасблари билан спорт ва жисмоний тарбия мавзусида мулоқот қиладиганини кўрасиз.

— Спортга, аниқроғи, футболга бўлган қизиқишим ёшлигимдан бошланган, — дейди Малик ака. — Мактабда ўқиб юрган давримда тенгдошларим билан футбол ўйнаб чиникқанман. Мактабни битирганимдан кейин Ангрэнданги касб-хунар билим юртида ўқиб билан бирга, маҳаллий «Шахтёр» жамоасида ўйнай бошладим. Олтмишинчи йилларнинг бошида Долгистининг Буйнакск шаҳрида ҳарбий бурчимни ўтаганман. Бу ерда ҳам ҳарбийларнинг «Буйнакск» спорт клубининг футбол жамоаси аъзоси эдим...

Ҳарбий хизматдан сўнг у дастлаб Наманган тиббиёт билим юртида спорт бўйича мураббий вазифасида ишлади. 1983 йилдан эса вилоят алоқа корхонасида спорт йўриқчиси бўлиб ишга кирди. Утган давр ичиде алоқачилар ўртасида спорт ва жисмоний тарбиянинг оммавийлашувига ўз хиссасини қўшди. Алоқачилар Малик ака раҳбарлигида вило-

ят, республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда мунтазам иштирок этишмоқда.

Устоз-мураббийнинг вилоят алоқачилари футбол жамоасини шакллантиришда ҳам хизматлари катта. Алоқачи-футболчиларнинг қатор йилларда қўлга киритган ютуқларини ўз даврида республика, вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказилган мусобақаларда олинган «Фахрий ёрлиқ»лар, кубоклар ҳам исботлайди.

— Утган йили Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг жамоаси мини-футбол бўйича шаҳар ҳокимининг соврини учун мусобақаларда иштирок этиб, 54та жамоа ичиде фахрли иккинчи ўринни эгаллади, — дейди у. — Ярим финал мусобақасида шаҳар халқ таълими бўлимининг қучли жамоасини мағлуб этган футболчиларимиз финалга чиқиди. Кўзланган мақсадга эришдик!

Сўнги босқичда галаба бой берилган бўлса-да, алоқачиларнинг бу ютуғидан Малик аканинг қувончи чексиз эди.

«Сихат-саломатлик йили» дастури асосида филиал ижроия аппарати ва телекоммуникациялар боғламаси ходимлари ўртасида мини-футбол, кўкпураш бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилди. Мус-

тақиллик байрами арафасида алоқа ходимлари оилалари ўртасида «Энг яхши спортчи ва соғлом оила» республика спартакиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бундан ташқари, алоқачи ходимлар спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси каби турлари билан мунтазам шугулланиб келишмоқда. Шунингдек, тиниб-тинчимас Малик аканинг ташаббуси билан телефончи хотин-қизлар учун ишлаб чиқариш гимнастикаси машғулоти йўлга қўйилган.

Меҳрибон ота Малик ака турмуш ўртоғи Маҳоратхон опа билан бир ўғил, икки қизни тарбиялаб, воёга етказишди. Ота изидан борган Мансуржон Наманган футбол мактабиде таҳсил олди. Ҳозирги кунда у Андижон шаҳрининг «Андижон» футбол жамоасида ўз маҳоратини оширмоқда.

Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси довлисиде ҳашар усулида волейбол ва баскетбол майдончалари ташкил этилиб, зарур спорт жиҳозлари ўрнатилган. Бу ерда тажрибали спорт йўриқчисининг саъй-ҳаракати билан турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Наманган муҳандислик-педагогика институти академик лицейининг спорт залиде ҳафтадиге икки кун ишдан бўш пайтларда филиал ходимлари спорт билан шугулланади.

Шу кунларда Наманган шаҳридаги аналогий АТСлар янги ЭАТСларга алмаштирилиши муносабати билан бўшаган хоналарда алоқачи ходимлар учун кичик спорт залларини ташкил этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Буларнинг барчасига Малик ака доимо бош-қош.

Шухрат ПАРПИЕВ
Наманган вилояти

Новости в сфере ИКТ

Как управлять интернетом?

16-17 февраля 2006 года в Женевском офисе ООН пройдет учредительное собрание новой международной структуры - Форума по вопросам управления использованием интернета (Internet Governance Forum).



Решение о создании Рабочей группы было принято в декабре 2003 года на Женевском раунде Всемирного саммита по информационному обществу (WSIS). В ее задачи входила организация открытых дебатов по вопросам «интернет-правительств» среди заинтересованных сторон и подготовка рекомендаций по этому вопросу для Тунисского раунда Саммита в ноябре 2005 года.

В частности, Рабочей группе предстояло разработать определение понятия «управление интернетом», определить сферу вопросов, которые относятся к управлению Сетью, определить роли правительств, международных организаций, бизнеса и общества в управлении интернетом.

В итоговом документе Тунисского раунда Саммита — «Тунисской программе для информационного общества» — содержится призыв к генеральному секретарю ООН «провести в рамках открытого и всестороннего процесса собрание нового органа для ведения политического диалога с участием многих заинтересованных сторон под названием Форум по вопросам управления использованием интернета».

Главными задачами Форума являются «обсуждение вопросов государственной политики, касающихся ключевых элементов управления использованием интернета в целях содействия обеспечению жизнеспособности, эксплуатационной надежности, безопасности, стабильности и развития интернета и содействие диалогу между органами, занимающимися различными перекрестными вопросами междуна-

родной государственной политики в отношении интернета».

Согласно «Тунисской программе», Форуму следует «опираться на существующие структуры управления использованием Сети, уделяя при этом особое внимание взаимодополняемости между всеми заинтересованными сторонами, принимающими участие в этом процессе: правительствами, торгово-промышленными объединениями, гражданским обществом и межправительственными организациями». При этом Форум «не будет выполнять надзорные функции и подменять существующие структуры, механизмы, институты или организации, но в то же время будет привлекать их к своей работе и использовать их опыт».

Вместе с тем, был достигнут консенсус по кругу вопросов, которые пока не могут быть эффективно решены в рамках существующих институтов, имеющих отношение к поддержанию функционирования и регулированию интернета, — киберпреступности и использованию Сети в различных неблагоприятных целях: для разжигания вражды, пропаганды экстремизма, распространения спама и детской порнографии и т.д.

Создаваемый Форум пополнит ряды таких специализированных структур, как Рабочая группа ООН по информационным и коммуникационным технологиям (UN ICT Task Force) и Комиссия ООН по международному коммерческому праву (UNCITRAL), разрабатывающих для ООН рекомендации и проекты международных соглашений в своей узкоспециализированной области.

В США становится модным вживлять чипы-радиометки (RFID), которые во многом облегчают жизнь в эпоху цифровых технологий.


Некоторые американцы согласились на добровольное вживление в их тела чипов-радиометок (RFID). Используя чип за \$2, вшитый под кожу между большим и указательным пальцем, можно ввести нужный пароль одним взмахом руки на расстоянии менее 10 см от сканера стоимостью \$50, подключенного к компьютеру. С помощью вживленного чипа можно открыть дверь своей квартиры или же подключиться к ПК.

«Я хочу иметь гарантированный доступ к необходимым мне вещам. Чипы RFID мне очень подходят. Даже если я вдруг окажусь голым в парке, я все равно смогу попасть в свой дом. В наш век подобного рода устройства могут заметно облегчить жизнь. Одним из главных преимуществ таких чипов является то, что они не могут быть потеряны или похищены, а при возникшей необходимости их можно удалить из тела», — рассказал в интервью Reuters Амаль Граафстра (Amal Graafstra), 29-летний канадский предприниматель, пожелавший вживить себе микрочип. Прибыв в Нью-Йорк на мероприятие, посвященное чипам-имплантатам, он сказал, что данной технологией, как ему известно, пользуется не менее 20 человек.

«Мне этот чип несколько мешает, я его даже не чувствую», — рассказывает 23-летняя подруга Амалы, студентка Дженифер Томлин (Jennifer Tomblin). — Он не причиняет мне никаких неудобств. Я даже не знаю, здесь ли он».

здоровых американских граждан решили добровольно вживить в свои тела микрочипы с паролями и другими реквизитами.

Люди становятся киборгами



Житель Нью-Йорка, 28-летний Майки Склар (Mikey Sklar) видит в RFID-чипах будущее. «В будущем подобные технологии позволят людям хранить и передавать любую закодированную личную информацию при самых разнообразных обстоятельствах» — отметил г-н Склар. Для того чтобы информацию с чипа не смогли считать злоумышленники, Склар защищает свой чип «щитом» из ткани.

Напомним, что уже в течение нескольких лет в США осуществляются операции по имплантации микрочипов в человеческий организм, успевшие вызвать большой резонанс в обществе и встретившие ярых врагов в лице некоторых религиозных и общественных организаций. Как правило, данные устройства вживляются в организмы тяжелых больных людей для их идентификации в случае необходимости. Однако возможности, потенциально заложенные в подобного рода устройствах, привели к тому, что ряд вполне

Кроме США, вживление RFID-чипов разрешено и в некоторых других странах, например, в Мексике. Еще в 2002 году компания Applied Digital Solutions (ADS) получила право продавать чипы под кодовым названием VeriChip. В настоящее время маркетингом и распространением подобных чипов в США занимается компания VeriChip — подразделение ADS. Как отмечают разработчики чипа, процедура его вживления безболезненна и занимает всего несколько минут, а обнаружить вживленный чип невооруженным глазом невозможно.

RFID-чипы широко применяются для маркировки товаров и животных. Кроме того, они находят применение в иных областях — так, в прошлом году их использование помогло опознать тела жертв урагана «Катрина». Также, по мнению разработчиков устройств, микрочипы RFID оказываются просто незаменимыми в семьях, где есть больные люди.

Человеческий мозг работает как поисковая система

Ученым из университета Пенсильвании удалось установить, что человеческая память работает так же, как поисковые системы Сети, и этот процесс можно наблюдать с помощью магнитно-резонансного сканирования головного мозга.

Чтобы выяснить, как работает память, ученые провели следующий эксперимент: участникам эксперимента показывали на экране монитора ряд картинок — фотографии знаменитостей, снимки исторических мест и изображения повседневных предметов, сообщает Live Science. Во время просмотра проводилось непрерывное сканирование мозга испытуемых. После сеанса просмотра участников эксперимента просили вспомнить как можно больше картинок, при этом продолжалось наблюдение за процессами в коре их головного мозга. Ученые обнаружили, что механизм поиска конкретной картинки в памяти активизировался за несколько секунд до того, как пациенты озвучивали названия картинок, которые им удалось вспомнить. В среднем, от момента активизации процесса поиска информации в памяти до момента озвучивания воспоминаний проходило около 5,4 секунды.

Доктор Шон Полин (Sean Polyn), возглавлявший исследование, полагает, что система памя-

ти, расположенная в области мозга, называемой гиппокампом, формирует краткое представление всех событий, которые фиксируются в коре головного мозга.

Процесс работы памяти можно сравнить с механизмом поиска информации в интернете. В Сети специальные программы создают копии всех веб-страниц, а поисковые системы, такие, как Google, находят и индексируют эти страницы. Примерно то же самое происходит, когда человек вспоминает, к примеру, чье лицо: сначала он думает о лицах вообще, затем сужает поиск, добавляя другие детали — новые ключевые слова в «поисковой строке» памяти, — пока не вспомнит то, что хотел.

Ученым удалось «прочитать» мысли участников эксперимента, наблюдая процесс поиска информации в памяти в действии. Сравнение сканируемые изображения мозга участников эксперимента в процессе воспоминания с полученными ранее, во время запоминания информации, исследователи точно определяли, что именно вспоминал испытуемый — фотографию человека, местность или предмет.

«Нам удалось установить, какую категорию изображений вспоминает испытуемый, и поэтому мы считаем, что наблюдали сам процесс поиска информации в памяти», — комментирует Полин. Ученые полагают, что процесс контекстуального восстановления информации характерен только для эпизодических воспоминаний, но не исключают, что подобные процессы могут активизироваться и при других видах воспоминаний.

ЭТО ИНТЕРЕСНО

Мобильник вместо билета

Анжуманда қатнашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Л.Ғуломов, Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари К.Аъзамов, сиёсий фанлар доктори, профессор Н.Жўраев, тарих фанлари доктори, доцент М.Қирғизбоев ва шоир Н.Нарзуллаевлар демократия ва менталитет, миллий қадриятлар, демократияни жорий этишнинг шарқона тамойиллари ҳақида сўз юритишди. Маърузачилар демократик жамиятни қуришда ёшларнинг иштироки гоят муҳимлигини алоҳида таъкидлашди.

Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА, ТАТУ МАТБ методисти

MULOHAZA, MUNOZARA

ЎЗИНГНИ АНГЛАБ ЕТ

— Келинг, синглим, сизбопидан бор, сифатли, чет элники, мана қаранг...

Киз ўзига гапирётган ёшгина йигитга, унинг кўлидаги матоҳга бир қаради-ю, қизаринкираб нари кетди. Аёллар ички кийим-кечаги савдоси билан шуғулланаётган бу йигитнинг овози таниш туюлиб, яқинроқ бордим. Не кўз билан кўрайки, қўшни университетда ўқийдиган синфдошим Бехзод. Ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлдим-да, «Ўқишлар қалай?» дея аънавий савол бердим.

— Ҳа, бир нави, сессияга бориб, имтиҳон топширсам бўлди-да, унчага етарли пул йиғиб олиш керак, — деди Бехзод саволимни малол олгандай. — Ҳар замонда бир кўриниб турибман. Одам дунёга бир марта келади, юрمانни стипендияга қараб, давр келганда ўйнаб қолиш керак. Қизлар, кино, зиёфатлар дегандай...

— Ахир, ота-онанг ўғлим шаҳарда ўқияпти деб, ҳар ойда пул жўнатишяпти-ку!

— Э, менга қара, насихат қилгани келганмисан, ёшлик даврини суриб олиш керак, билдингми? «3»ми, «4»ми баҳо билан сессияларни ёпиб, диплом олсак бўлди-да. Бор, ишингни қил, ўзинга қарасан-чи, эгинингдаги кўйлагинг эскилигидан саргайиб кетибди-ку, ўқимишли! Ҳатто, китоб олиб ўқишга пулнинг йўқ, шуми ўқиш?! Бунақада сенга қизлар ҳам қарамайди!

Ўйланиб қолдим. Бу фақат Бехзоднинг сўзлари эмасди. Нима учундир талабаларнинг кўпчилиги ҳозир шундай фикрлайдиган бўлиб қолишган. Ҳа, талабалик — олтин давр. Уни беҳудага ўтказмаслик керак. Мана шу «беҳуда» сўзини нега нотўғри тушунадиган бўлиб қолдик. Ахир бопаларимиз «Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани» деганлариде, эзгу маънони кўзда туتماгиларми? Ҳуқуматимиз иқтидорли, салоҳишли кадрлар тайёрлаш учун барча имкониятларни яратаётган бир пайтда, ёшларнинг

аксарияти ўз вазифасига бўлган масъулият ҳиссини йўқотиб қўймаптими? Аждоларимиз игна билан қудук қазимдек мушкул иш — илм олиш учун очликни-да, қашшоқликни-да, дарбадарлик ва мусофирликни-да енганлар. Ҳозирги кунда илм оламида юлдузга айланиши керак бўлган ёшлар

Билиб кўйинг, бугун сиз пухта билимни қалбингиз меҳварига жотсангизгина, етти олам хазиналари оёқ остингизда тўшалади.

қачондан бери, нима сабабдан бу аҳволга тушиб қолди? Тўғри, меҳнат айб эмас, аммо бизга умид кўзи билан қараб турган давлатимиз, она юртимиз келажаги учун вазифамиз — биринчи навбатда ўқиш эмасми? Бугун номигагина ўқиб, енгил-ели йўлар билан толган пули эвазига вақтчилоғлик қилаётган, қимматбаҳо кийимлар қияётган, асосий вақти кино-театрлар қаҳвахоналарда ўтаётган талаба эртага малакали мутахассис бўлиб етишишга, она юрт истиқболи деб аталмиш иморатни қуришга қодирмикан?!

Тўғри, зарурат, етишмовчилик юзасидан ҳам ўқиб, ҳам ишлаётганлар оз эмас. Бироқ бу — ўқидан йироқлашиб кетиш, қайсидир қоракун учун диплом олиб қўйиш, дегани эмас-ку. Бундай диплом эгасидан қанақа муҳандис, қорхона раҳ-

бари, ўқитувчи ёки шифокор чиқади? Иқтисодийetni бошқаришни билмайдиган, ўз кучи ва иқтидорига, билимига эмас, чўнтагидаги пулга таяниб ўрганган инсон (гарчи унинг олий маълумот тўғрисидаги дипломи бўлса ҳам) нимани қойиллата олади?

Бу сўзларим билан талабаларнинг меҳнат қилишини қораламоқчи эмасман. Асло! Ҳалол меҳнат — танга роҳат. Бировнинг ерини ағдариб, юкин ташиб, томини суваб бериш, пешона терини тўкиб пул топиш — савоб. Бироқ енгил йўлар билан пул топаётган талабани ўқиб, билим олиш учун сафр қилинаётган давлат маблагининг уволи тутмасмикан? Яхши яшашга ҳамманинг ҳам ҳаққи бор дейсизми? Айтинг-чи, устингиз ҳашамдор либослар билан бут бўлса-ю, шуурингизда илм хазинаси бўлмаса, чиройли кўғирчоқдан фарқингиз қолмайди-ку! Кўғирчоқ эса эрмакдан бошқасига ярамайди. Унинг эгаси қўнғилга урган кунни кўғирчоқни тоқчага олиб қўяди ёки ташлаб юборади.

Кўз олдингизда билим ва иқтидори билан юксак поғоналарга кўтариладиган дўстингиз, сабоқдошингиз эришаётган даражалар нахотки сизни қизиқтирмасан?! Бировлар ҳизматини қилишдан кўра, билим ақл ва илм талаб этадиган кўрик-танловлар, мусобақалар голиби сифатида мукофотланиш — илм йўлини танлаган киши учун фахрли эмасми?

Дўстим, сизнинг олийгоҳдаги ўрнингизни эгаллаш учун йиллаб талаба бўлиш орзусида юрганлар ҳам йўқ эмас. Билиб кўйинг, бугун сиз пухта билимни қалбингиз меҳварига жотсангизгина, етти олам хазиналари оёқ остингизда тўшалади. Акс ҳолда, ўқиб жараёнидаги умрингиз, ота-онангизнинг орзуниятлари — барча-барчаси куйиб қолаверади.

Элдорбек АКРАМОВ, ТАТУ талабаси

SARGUZASHT-DETEKTIV

Политт хоним эшикни секин тақиллатди. Чап қўлигидаги тугунни тўғрилаб олиб, яна тақорлади. Тугунда Спэнлоу хонимнинг буюртмаси билан тикилган қишлоқ яшил қўйлак бор эди. У чап қўлидаги қора шойи тўрвага ўлчам тасма, тўғнағичлар қадалган ёстиқча ҳамда катта қайчиларни солиб олганди.

Политт хоним баланд бўйли, қотмадан келган, қиррабурун, сочлари кулранг-оқиш тусли аёл эди. Учунчи бор тақиллатишдан аввал у бир муддат тин олди. Кўз қири билан кўчадан келаётган кимнидир кузатди. Бу — қувноқ, юзи совуқ шамолда кизарган, эллик ёшлар чамасидаги Хартнелл хоним эди. Унинг овози баланд, жарангдор эди: "Хайрли кун, мисс Политт!"

— Кунингиз хайрли бўлсин, мисс Хартнелл, — дея алик олди тикувчи. Политт хоним қачонлардир бадавлат бир хонимниқанда энагалик қилгани боис киборларга хос тарбия оҳанглари унинг майин овозида ҳам аққол сезилиб турарди. — Кечирасиз, хабарингиз йўқми, Спэнлоу хоним уйдамикин?

— Кайдам, билмадим, — деди жавобан мисс Хартнелл. — Фалати-я. Соат уч яримда учрашишга келишгандик. Миссис Спэнлоу янги кўйлагини кўрмоқчи бўлганди.

Мисс Хартнелл қўлидаги соатига қараб олди: — Аллақачон уч ярим бўлибди-ку.

— Ха. Эшикни уч марта тақиллатдим, бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмагани учун миссис Спэнлоунинг хотираси фаромуш бўлиб, бирор ерга кетгандир, деб ҳам ўйладим. Бироқ унинг бундай одати йўқ, бунинг устига қўйлак индинга тайёр бўлиши лозимлигини айтганди.

Мисс Хартнелл дарчадан кириб, Лабэрнэм коттежи эшиги бўсағасида турган мисс Политт томон юрди.

— Негадир Глэдис жавоб бермапти, — хитоб қилди у. — Ха, тушунарли, бугун пайшанба-ку, Глэдиснинг дам олиш кунини. Менимча, миссис Спэнлоу ухлаб қолган бўлса керак. Сиз қаттиқроқ тақиллатмаган кўринасиз.

У бир қўли билан эшикни мушглаб, яна бири билан зулфинни зўр бериб тарақлата бошлади. Баланд ва ўткир овозда чақириб ҳам кўрди: "Хой, биров борми?"

Жавоб бўлмади. — Гапим ростга ўхшайди, миссис Спэнлоу қайгадир кетган, — гудранди мисс Политт. — Бошқа пайт келарман.


У кетишга чоғланди. — Бўлмаган гап, — қатъий туриб олди мисс Хартнелл. — У ҳеч қайқа кетмаган. Ақс ҳолда йўлда учратган бўлардим. Деразадан бир қараб кўрай-чи, зора бирор тирик жон кўринса.

У одатдагидек самийий кулди ва эр-хотин Спэнлоулар бу хонада камдан-кам бўлишларидан яхши хабардор бўлса-да, яқинроқдаги деразаларнинг биридан мўралади. Такдир ҳазилини қарангчи, мисс Хартнелл ҳақиқатан ҳам ичкарида ҳаёт асарини кўрмади. Аксинча, кўзи камин олдига, гилам устида ётган миссис Спэнлоуға тушди.

— Албатта, ўзимни дарҳол қўлга ола билдим, — деди мисс Хартнелл бунин кейинчалик ҳижоа қилиб бераркан. — Бечора Политт бўлса ўзини қаерга уришни ҳам билмай қолди. "Бардам бўлинг, дея уни

Агата КРИСТИ

ҚОРА ТАСМА



тинчлангирдим. Сиз шу ерда бўлинг, мен констебл* Полкни чақириб келаман". Унинг ёлғиз қолдирмаслигини сўраб қилган ўтинчига эътибор қилмадим. Аслида бундай одамлар шундай муносабатга лойиқ. Кўп кўрганман, бунақалар пашшадан фил ясаб, оламга жар солишади. Шундай қилиб, мен кетаётиб, уйдан унча узоклашмасимдан, жаноб Спэнлоуға дуч келдим.

Шу ерга келганда мисс Хартнелл бир нарсга шима қилгандек сузлашдан тўхтади. Бу билан у ўзини жим тинглаётганлар учун савол бериб мурожаат қилишга имкон яратди: — Айтгинчи, унинг кўриниши қандай эди?

Мисс Хартнелл давом этди: — Тўғрисини айтганда, менда ўшандаёқ шубҳа уйғонганди. Биласизми, у жуда хотиржам эди! Хаяжонлаганини сезмадим. Сиз нима дейсиз, билмадим-у, аммо у хотининг ўлимини бамайлихотир кутиб олиши — ҳеч бир ақлга сиғмайди-ку, ахир!

Унинг фикрига ҳамма қўшилди. Полициядагилар ҳам даярли шундай тўхтамага келишди.

Жаноб Спэнлоунинг совуққонлиги шунчалик шубҳали туюлдики, улар фурсатни қўлдан бермаслик учун хотини ўлимидан сўнг бу инсоннинг молиявий аҳоли қандай ўзгарганини тезкорлик билан аниқлашга киришишди. Ниҳоят, Спэнлоу хоним бадавлат аёл бўлгани, никоҳдан сўнг тузилган васиятномага биноан барча мулклар эрининг ихтиёрига ўтиши маълум бўлгач, гумонлар янада ортди.

Қонун ҳимоячилари сўроққа тутган дастлабки инсонлардан бири — анчагина истарали, аммо баъзи бировларнинг шохидлик беришича, тили захаргина бўлган кекса Марпл хоним бўлди. У маҳаллий руҳонийга қўшни эди. Жиноят содир этилгани маълум бўлгандан ярим соат ўтар-ўтмас, полициячи Полк унингга таширф буюрди. У қўлидаги ёндафтарини хўжакурсинга тинимсиз варақларди.

— Агар эътирозингиз бўлмаса, сизга бир неча савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. — Саволларингиз Спэнлоу хонимнинг ўлимига тааллуқлими? — сўради мисс Марпл. Полк унга ҳайратланиб қаради.

— Хоним, сиз буни қандай билдингиз?

— Балик, — жавоб берди мисс Марпл.

Констебл унинг нима ҳақда гапирётганини англади. Демак, балик дўкониди ишловчи хизматкор бола кечки харидни келтириш баробарида хонимни янглиқидан ҳам воқиф этган.

Мисс Марпл сўзида давом этди:

— У меҳмонхонада, афтидан ингичка камар билан бўғилган ҳолда ётарди. Нима бўлганда ҳам жинийи ашё йўқолган.

Бу сўзлардан Полкнинг жаҳли чиқди.

— Зумраша буларни билишга қандай улгурибди?..

— Эгингизга тўғнағич илашибди.

Констебл Полк ажабланиб энгашди.

— Мақол бор-у, — деди у. — Тўғнағич топсанг, уни ол, шунда омадинг чопади".

— Ишонманки, худди шундай бўлади. Дарвоқе, мендан нимани сўрамоқчи эдингиз?

Констебл бир йўталиб олди, сўнг жиддий тусга кириб, ёндафтарига кўз югуртирди: — Мархумнинг эри жаноб Артур Спэнлоуни сўроқ қилдим. Унинг айтишича, сиз соат иккио ўттизга унга қўнғирок қилиб, учдан чорак дақиқалар ўтганда бир масалани муҳокама қилиш учун таширф буюришини сўрагансиз. Хўш, шу ростми?

— Албатта, йўқ, — жавоб берди мисс Марпл. — Демак, иккио ўттизда жаноб Спэнлоуға сиз қўнғирок қилмагансиз?

— Иккио ўттизда ҳам, бошқа пайтда ҳам қўнғирок қилмаганман.

— Шунанамми? — деди синчқовлик билан констебл Полк. — Жаноб Спэнлоу яна нималар деди?

— Айтдики, уйдан учу ўнда чиқиб кетган. Белгиланган вақтда сизникига келганида оқсоч қиз унга сизнинг уйда йўқлигини маълум қилган.

— Охири галингизга қўшилиман, — деди мисс Марпл. — У ҳақиқатан ҳам келган экан, бироқ бу пайтда мен аёллар уюшмасининг йиғинида бўлганман.

— Шундай денг ... — констебл ўйга чўмди.

— Констебл, айтинг-чи, мабодо сиз жаноб Спэнлоудан гумонсирмаёйсизми?

— Ҳозирча бундай дейишга асосим йўқ, шунга қарамасдан, айтшим мумкинки, кимдир хийла ишлатаётганга ўхшайди.

— Наҳотки Спэнлоу бўлса? — деди мисс Марпл ўзига-ўзи.

У жаноб Спэнлоуни ёқтирарди. Ўрта бўйли, озгин бу одам бировга мурожаат қилганида ўта расмиятчи ва сартовазе бўлиб кетарди. Эсини тангигандан буён гавжум шаҳарда яшаб келган бу одамнинг сўнгги йилларда қишлоқда ўрнашиб қолгани кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Бир кунини у мисс Марплға ёрилди: "Қишлоқда яшаш менинг болалик орзум эди, — тўлқинланиб сўзларди жаноб Спэнлоу. — Ўз боғим бўлишини истардим. Гулларни яхши кўраман. Хабарингиз бўлса керак, хотинимнинг гул дўкони бўларди. У билан ўша ерда танишганимиз".

Ушбу иқроллар ортида ажайиб суврат намоен бўлди. Ёш, мафтункор миссис Спэнлоу гуллар оғушида ...

Бироқ жаноб Спэнлоунинг гуллар борасидаги тушунчаси ҳаминқадарроқ эди. У қайси уруғни сотиб олиш, уларни қандай экиш ва ниҳолларни тўғри қирқишни билмас, бир йиллик гийҳни кўп йиллигидан ажрата олмасди. Унинг боғ ҳақидаги тасавури коттежни қўраб олган дараклар ва улар гуллаганда тараладиган нафис ифорлар билангина чекланарди, холос. Шундай бўлса-да, унинг мисс Марплдан баъзи нарсаларни сўраб, ҳафсала билан ёндафтарига қайд қилиб бориши кишини бефарқ қолдирмасди.

Бу одам ҳар бир ишни ортиқча шов-шувларсиз амалга оширишни хуш кўрарди. Шу одати туфайли ҳам хотини ўлдирилганидан сўнг полиция назарига тушган бўлса эҳтимол. Улар миссис Спэнлоунинг ўтмишига дахлдор барча зарур далилларни ўта синчқовлик ва сабр билан ўрганишди, бу ҳақда кейинчалик Сэйтн Мери Мидда яшовчи ҳар бири киши бохабар бўлди.

Миссис Спэнлоу мустақил ҳаётни бой хонадонларнинг бирида хизматкорликдан бошлаган. Кейинчалик у боғбонга турмушга чиқди ва улар Лондонда гул дўкони очиди. Дўкондаги ишлар гурқираб кетди, аммо кўп ўтмай боғбон касалга чалиниб, вафот этди.

Шунга қарамай, бева аёл фаолиятдан тўхтамади, ҳатто дўконини кенгайтиришга ҳам муваффақ бўлди. Хуллас, барча ишлар рисоладагидек борарди. Кейинчалик у дўконини мўмайгина пуллаб, аждодларининг ишини амал-тақал давом эттираётган заргарга, ўрта ёшлардаги жаноб Спэнлоуға

турмушга чиқди. Тез орада Спэнлоунинг дўконини ҳам сотишди ва Сэйтн Мери Мидга кўчиб келишди...

Миссис Спэнлоу бадавлат аёлга айланди.

Полиция бошқармасининг бошлиғи, полковник Мелчэт инспектор Слэрни чақиртирди.

Слэк — ишончи комил бўлмагунча бир қарорга келмай-диган қатъиятли инсон. Ҳозир ҳам у худди шу кайфиятда эди.

— Сэр, менимча қотил — мархумнинг эри, — деди у.

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Худди шундай, сэр. Мен унда на қайғу-ғам, на бошқа кечинмалар аломатига гувоҳ бўлмадим. Ахир, у уйига киришдан олдин хотинининг ўлганидан воқиф бўлгандай-ку.

— Наҳотки? Балки у умидсизликдан шу қолга тушгандир?

— Йўқ, у бундай одам эмас, сэр. Ўзига роса бино қўйган. Бундайлар макр ишлатишни ҳам дурустроқ қойиллатиша олмайдилар. Қисқаса, расмиятчи одам! Умуман олганда, тушунимсиз, хотинидан кўнгли қолган. Спэнлоу хоним бадавлат эди, бироқ бу аёлниинг инжиқликлари охир-оқибат эрининг жонига теккани кўриниб турибди. Ниҳоят, у узил-кесил хотинидан қўтилиб, эмин-эркин яшашни ихтиёр қилган.

— Ха, афтидан, гапларингизда жон борга ўхшайди.

— Бунга шубҳаланмасангиз ҳам бўлаверадилар! Режа пухта ишланган. Айтишича, унга телефон орқали...

Мелчэт гапни бўлди: — Ҳақиқатан ҳам қўнғирок бўлмаганми?

— Йўқ, сэр. Шундан келиб чиқиб, икки хил хулоса чиқариш мумкин: ё у бизни чув туширмоқчи ёки қўнғирок жамоат телефонидан қилинган. Қишлоқда бундай жойлар иккита: бири станцияда, иккинчиси эса почтада. Албатта, почтани эътибордан соқит қилаверсак бўлади. Миссис Блэйд у ерга кимлар кириб-чиқишидан яхши хабардор. Станция борасида

бир нарсга дейиш мумкин. Поезд соат икки яримларда станцияга кириб келади ва шу пайт одам гавжум бўлиб кетади. Спэнлоу унга мисс Марпл телефон қилганини таъкидламоқда. Бу эса ёлгон. Унинг уйдан ҳеч ким қўнғирок қилмаган, ўзи бўлса уйда бўлмаган.

— Балки миссис Спэнлоуни ўлдириб ниятида бўлган кимса унинг эрини уйда бўлмасин деган мақсадда бунин атайин уюштиргандир?

— Ёш Тэд Жерарни назарда тутаясиз чоғи, сэр? Бу томонини ҳам батафсил ўрганиб кўрдим, уни айбашга асос йўқ. Бу ишдан унга наф ҳам тегмайди.

— Шунга қарамасдан шубҳали шахс. Пулларни ўзлаштиришни оқлаб бўлмайди.

— Мен ҳам уни оппоқ деярганим йўқ. Бироқ айбдор эканлигини унинг ўзи хўжайини олдиға келиб, тан олган-ку...

— Ҳамма нарсадан шубҳаланасиз-да, Слэк, — таъкидлади Мелчэт. — Дарвоқе, мисс Марпл билан суҳбатлашдингизми?

— Бу ишга унинг қандай дахли бор?


— Ҳеч қандай. Бироқ у воқеалар тафсилотидан яхши хабардор. Унинг олдиға бориб суҳбатини олсангиз. У — анчагина синчқов аёл.

(Давоми бор.)

Русчадан Собит АҲАДОВ таржимаси

* Констебл — Англия ва Америкада полициячиларнинг қўйи унвони

КРОССВОРД



ЭНИГА:

5. Филиппин поймакчи. 6. От миниб ўйналадиган қадимий спорт мусобақаси. 8. Замбарак; копток; уюм — умумлаштурувчи сўз. 11. ... ибн Аффон — хорёрлардан бири, учинчи халифа. 12. Қадимий сўғориш мосламаси. 13. 1954 йили Нобел мукофоти билан тақдирланган америкалик ёзувчи (1899—1961). 16. Сайроқи куш. 17. Тинч, сокин, жимжит. 18. Йиртқич ҳайвон. 21. Таниқли ўзбек шоираси (1792—1842). 22. Гўрўглининг оти. 24. Номини юнон тилида “ёруглик сочувчи” маъносини англатувчи кимёвий элемент. 25. Буюк Британиядаги энг йирик ахборот агентлиги. 30. Венера сайёрасининг эски номи. 31. “Тома-тома кўл бўлур, ...лар кўшилиб дарё бўлур”. 32. Усонли Турк империясининг мунтазам пиёда қўшини. 36. ... — Темучин (1155—1227), Мўғул империяси асосчиси ва хони. 38. Дворяларнинг графдан куйи унвони. 39. Махсулотнинг соф огирлиги. 40. “... — қиличдан ўткир”. 41. Ёзувчи, биринчи ўзбек профессори, қатагон қурбонларидан бири. 42. Хаворанг-кўк ёки кўк-яшил рангли минерал, жавоҳир.

БЎЙИГА:

1. Марказий Осиёда етиштириладиган узум нави. 2. Шамол йўналиши ва тезлигини аниқлайдиган асбоб. 3. Тайван маъмурий маркази. 4. Шейрий мисраларда айрим ҳижо, сўз ва сўз бирикмаларининг ўзаро оҳангдошлиги. 7. Эртақ қаҳрамони. 8. Италия шимолидаги порт шаҳар. 9. Будда мемориал иншооти, табаруқ ёдгорликлар сақланадиган жой. 10. Атрофи очик, айвонсимон ёзлик бино. 14. Абу Райхон Беруний асари. 15. Дания парламенти. 19. Шифобахш гиёҳ. 20. Қийин эрувчи металл. 21. Фойда, манфаат. 23. Қадимий Эрон шоҳи. 26. Пуфлама чолғу асбоби. 27. Елканлари уч мачтали харбий кема. 28. “Икки кишилик ...” — бадийий фильм. 29. Шарқ яккакураш турларидан бири. 33. Тошкент вилоятидаги туман. 34. Жамоа бўлиб ўйналадиган спорт тури. 35. Алишер Навоийнинг форсий тахаллуси. 37. Англиядаги дарё.

asxabar@mail.uz

ЖАВОБЛАР
ЭНИГА:
1. Чарок. 2. Флигелер. 3. Тайбей. 4. Корфия. 5. Ефудан. 6. Триест. 7. Патола. 8. Шийон. 9. 14. Хиндистон. 10. Фолкленгнинг. 11. Эрмон. 12. Наф. 13. Кир. 14. Наф. 15. Кир. 16. Кўшнар. 17. Фрегат. 18. Бокзал. 19. Каратэ. 20. Хоккей. 21. Наф. 22. Фират. 23. Фират. 24. Тин. 25. Фират. 26. Фират. 27. Фират. 28. Фират. 29. Каратэ. 30. Барон. 31. Барон. 32. Чингизхон. 33. Барон. 34. Чингизхон. 35. Барон. 36. Чингизхон. 37. Барон. 38. Барон. 39. Барон. 40. Барон. 41. Барон. 42. Барон.

МУЛТСЕРИАЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Таниқли мултипликатор Вячеслав Котеночкиннинг ўгли Алексей “Сеними, шошмай тур!” мултифилми давомининг сўнгги фрагментлари устида иш кетаётганини маълум қилди.

Мултсериал жами 20 сериядан иборат бўлади. Режиссёр унинг 19 сериясини Москвадаги Киночилар уйида томошабинлар ҳўқмига хавола қилиб бўлди. Ушбу афсонавий мултифилмнинг бош қаҳрамонлари энди янги овозда “гагиришади”: Бурга Игор Христенко, Куёнга эса актриса Олга Зверева овоз берган. “Отанинг ишини давом эттириш мендан жуда катта масъулият талаб қиларди. Ёмон ишлашга эса асло ҳаққим йўқ”, — деди режиссёр. Алексей Котеночкиннинг айтишича, эски сериялардан сўнг янгиларини хотиржам томоша қилиш учун мултифилмнинг давомини шундай яратиш зарур эди.



ТЕЛЕГРАФЧИНИНГ ЗИЙРАКЛИГИ

Ўтган аср бошларида Россияда шов-шувга сабаб бўлган бир жиноий ишнинг фош этилишида оддийгина касб эгаси — телеграф ходимининг зийраклиги асосий рол ўйнаган эди. Воқеанинг қисқача тафсилоти эса куйидагича.

1909 йилнинг 3 октябр куни Петербургдаги арзон-гаров меҳмонхоналарнинг бирида қотиллик юз берди: боши кешиб ташланган жасаддан бу шахннинг кимлигини аниқлаш мушқул эди. Ҳар қандай устаси фаранг изкувар ё терговчи ҳам бу жиноятнинг тагига етиб боргунича, эҳ-ҳе, неча кечакундузни иш столи устида бедор ўтказиши керак эди. Яхшиям, марҳумнинг ёнидан муҳандис Андрей Гилевич номи қайд этилган ҳужжатлар чиқиб қолди. Уша йиллари Россияда, умуман, тараққиёт сари юз тутаётган Европада муҳандисларга кўп маош тўланар, шунга қараб хулоса қилинадиган бўлса, бечора Гилевични катта пул ишлаб олиш мақсадида жиноятчилар тўдаси ўлдириб кетганлиги аниқ эди. Яна, марҳумнинг укаси Константин Гилевич жасадни кўрган заҳоти, мурданинг елка томонига бир бора кўз ташлади-ю, жасад — акасиники эканлигини тан олди: ана, акамнинг ўнг елкасидаги хол, болаликдан биламан...

Хуллас, бир қараганда ҳамма нарса равшандай: ўлдирилган одам — пулдор муҳандис, уни тунаган жиноятчилар кочишга улгурган, ука эса ака жасадини елкадаги белгидан таниб турибди...

Бирок шу ҳолатдаям зийрак изкувар ва терговчиларга шубҳа уйғотадиган саволлар тинчлик бермас эди. Масалан, муҳандис одамнинг ҳужжатлари нега энди кўзга дарров ташланадиган жойга қўйилган? Нима, мана шу одам — муҳандис Гилевич бўлади, жасад Гилевичга тегишли эканига ишонинглар-да, ишни ёпиб қўяқолинглар... дейилмоқчимиз? Нега марҳумнинг эғнидаги кийимлари билан оёғидаги пойабзали бир-бирига сира мос келмайдиган даражада фарқ қилаяпти — устки кийимлар бойвачча муҳандисники-ю, аммо оёқ кийими фақирона, яъни талабаники...

Ғалати-я, шундай эмасми? Ахир, қойилмақом тикилган кимматбаҳо костюм, палто, шляпани Москвадаги, Питердаги энг устаси фаранг моделерларгина бую бастингизни ўлчаб, қоматингизга мослаб тикиб беришлари мумкин. Жасаднинг оёғига ёпишиб ётган кир-чир, чағ-чунг ботинкани эса, кечирасиз-у, талаба ёки қишлоқдаги деҳқон одамгина судраши мумкин, холос.

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди: камбағал одамлар қиядиган ботинка жасаднинг кимга тегишли эканини (яъни, шахсини) охир-оқибатда аниқлаб берди — ўлдирилган одам Питерга қишлоқдан пул ишлаш учун келган Павел Подлуцкий экан. У Гилевичнинг газетлада берган эълонини ўқиб қолади-ю, каттақон бир заводнинг муҳандисига қотиб бўлиб ишга жойлашади. Афруски, қотиб бўлиб ишлаш, жарақ-жарақ пуллар топиш йиғитчага насиб этмаган экан... Изкувару терговчиларнинг аниқлаганлари мана шу эди. Хулласи калом, жасад оёғидаги ботинка ҳар томонлама “текшир-текшир”лар ўтказилгачина, ўлдирилган одамнинг шахси аниқланди. Ундай бўлса, Андрей Гилевичнинг ўзи қаерда экан? Бу асосий саволга жавоб йўқ эди.

Орадан ўтган тўрт-беш ой ичига қичкина Гилевич ҳам қараб турмади. Буни қарангки, унинг муҳандис акаси оз эмас-кўп эмас, тўртта сугурта компанияси билан шартнома тузиб, ўзини сугурта қилдириб қўйган экан. Константин ана шу компанияларга бориб, “марҳум” акасининг шахсий ҳаётига тегишли пулларни бирин-кетин ундириб ола бошлайди. Тўртта компания билан тузилган шартномаларнинг суммаси (жами маблағлар микдори) ҳазилакам сон бўладими? Қисқаси, Константин Гилевич “армонда кетган акажоним...” деб юриб, сугурта компанияларидан 300000 минг рубл маблағни қуртдай санаб олади. Бу — ўша давр чўти билан ҳисоблаганда, жуда катта пул эди! (Эҳтимол, жиноят-қидирув бўлимининг ходимлари “кани, олаверсин-чи, бу ёғи нима бўларкан...” дея, арқонни узун ташлаб қўйган бўлишлари ҳам мумкин.)

Аввалига Россиядаги газеталар бу жиноий иш устидаги жараёнлар қандай бораётгани ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиб берди. Аммо бу борадаги “иш” чўзилгандан-чўзилавергач, газеталар ҳам охири “Гилевич томошаси” тўғрисида ёзмай қўйишди. Шу билан гўё ҳаммаси унутилгандай эди.

Кунлардан бир кун Константин Гилевич номига Париждан телеграмма келиб қолди. Телеграммада қандайдир бир шахс (чет эллик, албатта!) Константиандан 5000 сўм маблағни Монте-Карлодаги фалон банкнинг ҳисобига ўтказиб қўйишни илтимос қилган эди. Буни қарангки, Гилевич деган фамилия телеграфчи ходимга таниш туюлди ва у сирли тарзда йўқолиб қолган (ёки “марҳум” бўлиб кетган) муҳандис воқеасини эслаб, бу ҳақда полицияга хабар бериб қўйишни лозим топди. Полиция ўз навбатида француз ҳамкасблари билан боғлиб, “марҳум Гилевич”нинг фотосуратларини, ташқи кўринишларини-ю белгилари ёзилган маълумотномани Парижга жўнатади. Шундан кейин эса француз изкуварлари жиноятчи муҳандиснинг босган қадамини кузата бошладилар...

Алқисса, телеграфчининг зийраклиги, кучли хотираси туйфаили узок вақтдан бери “очилмай” турган жиноят шу тариха фош бўлди!

Жавоҳир АҲМАД

Sport



SHIFOBAXSH NE'MATLAR

ЗИРК
ҲАҚИДА

Зиркнинг 12 тури маълум, шундан таъбатда асосан оддий зирк ёки қора зирк қўлланилади.

Қора зирк қадимдан халқ таъбатда фойдаланиб келинади. Чунончи, Ибн Сино: "Қора зирк меваси кучлироқ бўлади. У совуқ-қуруқ, сафронни енгиб, қаттиқ ҳайдади. Уни туйиб боғланса, иссиқ шишларда фойдалидир. Меъда ва жигарни кучли қилади, чанқовни яхши қондиради... Ичакнинг тирнашида фойда беради", — деб ёзади.

Қора зирк меваси таркибида 5 фоиз қанд, 7 фоиз кислота (олма, лимон), дармондори ва бошқа моддалар бор. Баргида Е дармондори, эфир мойи, илдизиди бербери алколоиди учрайди. Бербери таблетка усулида ишлаб чиқарилиб, жигар ва ўт пуфаги шомолаганида малҳам бўлади. Шунингдек, суринкали гепатит, гепатохолецистит, ўтшо касаллигида тавсия этилади. Баргидан тайёрланган қайнатма ва дахлама қон кетишини тўхтади. Аниқланишича, қора зиркдан тайёрланган спиртли тиндирма юрак фаолиятини яхшилаб, қон босимини тушираркан. Илдизи ва пўстлоғида ҳароратни туширувчи, тинчлантирувчи ва микробларга қарши курашувчи хусусиятлар бор. Милк шомолаши, тери касалликларида ҳам қўлланилади.

Меваси иштаҳани очиб, чанқоқни босади, пешоб ҳайдади. Ширасидан сурғи сифатида фойдаланса бўлади. Зирк шароби бош оғриганда, қабзиятда, иштаҳа йўқолганда эм бўлади. Қора зирк мевасида қонни тозаловчи хосият ҳам мавжуд. Меваси яна пазандчиликда, тўй ошларида ишлатилади.

Муҳаммад Хусайн Шероизнинг ёзишича, қора зирк жигарни мустаҳкамлаб, бавосил ва заҳарланишга қарши восита сифатида фойдаланилади.

Қора зирк билан асал аралашмаси сувчечакда, жигар тикилмаларини очишда қўлланилади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бўлашган қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиалнинг маркетинг бўлими бошлиғи Юлдузхон ЭГАМБЕРДИЕВНИ 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-қадрат тилайди.

FUTBOL

Ўзбекистон Футбол Федерацияси россиялик таниқли мутахассис – Валерий Непомняший билан икки йилга шартнома имзолади. Бу ҳақда Ўзбекистон Олимпия кўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди.

НЕПОМНЯШИЙ ҲАМ ТЕРМА ЖАМОА, ҲАМ
"ПАХТАКОР"НИНГ БОШ МУРАББИЙИ

Матбуот анжуманида ЎФФ вице-президенти Бахтиёр Рахимов, терма жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Алишер Никимбаев, ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Санжар Ризаев ҳамда терма жамоа бош мураббийи Валерий Непомняшийлар иштирок эттиди.

Қарийб бир соат давом этган матбуот анжуманида ўзбекистонлик ва хорижлик журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Янги бош мураббий терма жамоанинг имконияти ва салоҳияти ҳақида гапираркан, қуйдагиларни таъкидлаб ўтди: "Терма жамоада салоҳият ва имконият, шунингдек, шароитлар етарли. Барча ишқибозлар биздан муваффақият кутаётганини назарда тутган ҳолда айтмоқчиманки, Ўзбекистон – Жаҳон чемпионати финал қисмида ёки шу каби бошқа нуфузли турнирларда иштирок этадиган даражадаги футболчиларга эга. Тўғри, муаммолар ҳам бор. Муаммосиз иш бўлмайди. Лекин биз уларга барҳам берамиз. Бу жараён бар-

чамиз ҳамкорликда ишласак, осон кечади, деб ўйлайман. Олдимизда анча мушкул вазифалар турган бўлса-да, яхши кайфият ва кўтаринки руҳда иш бошлаймиз. Умид қиламанки, тўсиқларни енгиб ўтиб, олдимиздаги вазифани уddалаймиз".

Непомняший терма жамоа билан бир қаторда "Пахтакор" жамоасида ҳам бош мураббий сифатида иш олиб боради. Яқинда бош мураббийликка тайинланган Раъшан Хайдаров эса унга ёрдамчилик қилади.

Айни пайтда 22 феврал ҳамда 1 март кунлари Бангладеш ва Қатарга қарши кечадиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичи ўйинларига тайёргарлик қўриш биринчи галдаги вазифага айланган. Шу мақсадда 5 феврал куни Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машгулотлари бошланади. Унда асосан Миллий чемпионатимизда тўп сурадиган футболчилар иштирок этишади. Легионерлар эса терма жамоа ихтиёрига кейинроқ келиб қўшилишади.

НИКОЛАЕВ – "ШИННИК" АЪЗОСИ

Ўзбекистон терма жамоаси ва Тошкентнинг "Пахтакор" клуби химоячиси Алексей Николаев Ярославнинг "Шинник" клуби билан шартнома имзолади.

Алексей "Шинник"нинг Туркиядаги ўқув-машгулот йиғинларида қатнашиб, янги жамоасининг ўртоқлик учрашувларида майдонга тушган эди. Эндилдида Россиянинг ушбу клубидаги ўзбекистонлик футболчилар сони уч нафарга етди. "Шинник" шарафини, шунингдек, терма жамоамиз аъзолари Евгений Сафонов ва Леонид Кошелевлар ҳам химоя қилишмоқда.



txabar@mail.uz

MINI-FUTBOL

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ
ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТАДИ

Футзал бўйича 2006 йилги Осиё чемпионати баҳслари Тошкентда ўтказилади, деб хабар беради
www.uzfootball.com сайти.

ЎФФ раҳбарияти ОФК тақлифига кўра, қитъа чемпионатига мезбонлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

ЎФФ халқаро бўлими мутахассиси Нуриддин Убайдуллаевнинг айтишича, футзал бўйича Осиё чемпионати шу йилнинг 21-27 май кунлари ўтказилади. Турнирда жами 16та жамоа қатнашади.

PROFI-BOXS

ЧАГАЕВ 11 МАРТ
КУНИ РИНГГА
КЎТАРИЛАДИ

Жаҳон боксидаги мақеини тобора ошириб бораётган оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев навбатдаги жангини 11 март куни Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказиши.

Жанг WBA чемпионлик камари учун кечадиган Феликс Штурм ва Маселино Масоу ўртасидаги баҳс доирасида бўлиб ўтади. Universum Box Promotions клуби мураббийи Михаэл Тиммингнинг айтишича, Чагаевнинг рақибини анчагина таниқли боксчи бўлиши кутилмоқда.

OLIMPIADA

ОЛИМПИА УЙИНЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН
МАРКАЛАР

Хитойда Олимпия ўйинларининг бир асрлик тарихига бағишланган филателистлар албому сотувга чиқарилди.

Ундан Олимпиада ўтказилган кўплаб мамлакатлардан йиғилган 200дан ортиқ маркалар ўрин олган.

Италия алоқа ва коммуникация вазирлигининг Почта бошқармаси ҳам шу йилнинг феврал ойида Туринда бўлиб ўтадиган XX киши Олимпиада ўйинларига бағишланган почта маркаларини чиқарди.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомаъсур ОБИДУЖАЕВ
Миродия САГИДОВ
Рашидбек СУЛАЙМОНОВ
Ўзғабек СУЛАЙМОНОВ (масъул котиб)
Асадулло ХУҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон
МУҲАММАДЖОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
042 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин.
Наширдан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал – ☹.
Реклама матнларининг тўғридиги тахририят жавобар эмас.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзилимиз: 700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А.БҮРИЕВ.

Матн терувчи:
Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди – 20.00. Босишга топширилиш вақти – 20.00.

Жамоатчи муҳбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззаҳда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 26-61-85	Нукулда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчада 226-43-13	Фарғонада 26-92-03	Қаршида 21-00-14
-------------------------	--------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	---------------------	-------------------	----------------------	--------------------	---------------------	---------------------	--------------------	------------------

MASHHURLAR HAYOTI

(Охири. Бошланishi ўтган сонда.)

Мао ўша пайтда бир талаба киз ва америкалик журналист аёл билан яширинча ишқий муносабатлар олиб бораётганди. Ҳа тансоқчиларига уларни ўлдиришни буюрди. Тансоқчилар бунга журъат қила олишмади ва бу ҳақда Йўлбошчига хабар беришди. Маонинг тоқати тоқ бўлди. Уларнинг уччаласини ҳам мамлакатдан чиқариб юборишни буюрди. Ҳани Москвага жўнатишди.

Мао газетадаги мақола билан танишган, Цзян Цинни марксизм-ленинизм институтида ўқийдиган маърузасини тинглашга таклиф қилди. Маърузадан кейин улар баъзи баҳсли тезисларни муҳокама қилишди. Тез орада Мао собиқ актрисага уйланишини маълум қилди. Партия сиёсий

21 сентябр куни, 600 нафар делегат иштирокида Мао Цзедун Хитой Халқ Республикасини эълон қилди.

Цзян Циннинг орзуси рўйга чиқа бошлади. Бироқ у бундан фойдалана олмай қолди. Сабаби, қизининг туғилиши билан унда аёллар хасталигига боғлиқ муаммолар кўпая бошлади. Операция кетидан операция қилинди. У узлуксиз даволаниб юрган пайтда Мао ҳақиқий ҳарам тузишга киришиб кетди. Унинг Цзян билан ажрашиш нияти йўқ эди. Чунки, биринчидан, энди мамлакатнинг биринчи одами бўлганлигидан ўзининг шахсий ҳаётига ургу берилишини хоҳламасди. Иккинчидан, Цзян Раиснинг барча ишларидан хабардор эди. Улкан мамлакатни бошқариш учун ҳам ишончли жуфтлик



MAO ЦЗЕДУН ВА ЦЗЯН ЦИН:

ХОКИМИЯТ ВА ЭХТИРОС КУРАШЛАРИ

бюроси Йўлбошчининг қароридан норози бўлди. Катта жанжал чиқди. Шунга қарамай, Мао сафдошларининг барча ҳаракатларига қарши бориб, Цзян билан никоҳи ўзининг шахсий иши эканлигини, қароридан қайтмаслигини айтди. Бюро ноилоҳ Цзян партиянинг сиёсий ишига аралашмаслиги шарт билан никоҳга розилик берди.

Цзян аввалига эрининг ишларига аралашмай юрди. Партия мажлисларида бир чеккада ўтириб, қозғога нималарнидир ёзарди. Уйда ҳам Маони расмий равишда "Раис" деб қақирарди. У кам гапирар, гапирса ҳам Йўлбошчининг инқилоб йўлидаги ҳаракатларини жуда ҳурмат билан тилга оларди. Фақат ўзи Мао Цзедуннинг сиёсий олами-ни чуқур хис қилишини айтиб, Ҳа бунга қодир эмасди, деб бот-бот такрорларди. Сургун қилинган Ҳэнинг у ҳақи фожали кечди. Москвада у ўғил кўрди. Аммо Россиянинг совуқ қиши гўдак умрига зомин бўлди. Ҳа юртига қайтиши учун руҳсат сўраб, тинмай Маога хат ёзарди. Бу хатларга жавабан Мао ўзларининг ёлғиз қизлари — Цяо Цяони онасининг олдига юборди. Қизча ҳам бу ерда касаликка чалинди. Богчадан касалхонага юборилган Цяони шифокор ўлик ҳолатда қабул қилди. Ҳа қизини ўликхонада кўриб, бош шифокордан тушунириш беришни сўради. Бахтсиз онанинг вазоҳатидан кўркиб, бош шифокор руҳий касалхонадан "Тез ёрдам" қақирди. Хитойлик инқилобчи аёл умрининг олти йиллини она шу касалхонада ўтказди. Шу вақтда Хитой Япония билан урушга кирди.

Япон истилоси хавфи хитойлик икки даҳо — Чан Кайши ва Мао Цзедунни ярашишга мажбур қилди. Японларга қарши ҳарбий ҳаракатлар чоғида Йўлбошчи ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. У яширин душманларидан халос бўлди. Бу унга 1945 йилнинг апрелида ўтказилган сайловларда Марказий Қўмитанинг доимий раиси бўлиб сайланишига ёрдам берди. Ниҳоят, ўта шафқатсиз кечган қонли уруш якунига етди. Галаба мушаклари отилмасдан туриб, мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Генералиссимус Чан Кайши ўзига юқори баҳо бериб юборганди. У Маонинг партияда кучли ўрнашиб олганлигига эътибор бермади. 1938 йилдан 1945 йилгача Коммунистик партия аъзолари сони қирқ мингдан ярим миллион нафарга етди. Маонинг армияси кетма-кет галаба қозонди. 1950 йилнинг апрелига келиб Чан Кайши ихтиёрида фақат Тайван ороли қолган эди. Бундан олти ой олдин эса, яъни 1949 йилнинг

зарур эди. Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган дастлабки йилларда халқаро вазият Мао учун жуда қулай келди. Собиқ Совет Иттифоқи билан Хитой давлатининг муносабатлари илқ эди. Собиқ Иттифоқ ХХРга кредит, саноат жиҳозлари ва қурол билан ёрдам бериб турарди. Бундан куч олган Мао хатто Америка қўшинлари Кореяга киритилганда АҚШни қозғодан ясалган аждаҳо деб атади. Бу унинг Осиёда нуфузи ошишига сабаб бўлди. 1953 йили Сталин вафот этди. Энди Мао Цзедун биринчи рақамли назарийчи коммунистга айланди.

У турли жойларда маърузалар қилар, коммунизм мафкураси учун ўз гоёларини билдирадди. Цзян Цин яна ўзининг содиқлиги ва зарур ёрдамчи эканлигини кўрсатди. У Мао айтган фикрларни жамлар, ёрдамчилари шу заҳоти уни қўллаб нухсадан наҳр қилдиришар ва дунё бўйлаб тарқатишни ташкил қилишар эди. Мао энди мамлакат партия ҳаётига бир оз либераллаштиришга қарор қилди. Бироқ тоталитар жамиятда ҳар қандай муросасозлик инқирозга олиб келди. Бирмунча сўз эркинлигига эришган баъзи партия фаоллари Мао ўзини жуда дохиллаштириб юборяпти деган фикрни ими-жимиди тарката бошлашди. Буюк Йўлбошчи эса 1958 йили "Катта сакраш" сиёсатини эълон қилди. Шу даврларда бу борада қулғили ҳолатлар ҳам юзга келди. Мао қисқа фурсатларда Томас Мордан тортиб Чернишевскийга бўлган бунга уопистларининг гоёларини ҳаётга жорий қилмоқчи бўлди. Унинг фикрича, Хитой "Утопия мамлакати"га айланиши, барча нараса умумий бўлиши керак эди. Дехқонлардан ер олиниб, умумий мулкка айлантирилди. Энди дехқон эрта-лабки йиғинда қатнашиши, сафга қўшилиши ва ватанпарварлик ҳақида қўшиқ айтиб далага бориши лозим эди. У умумий қозондан овқатланиб, танаффус пайтда сиёсий ва ҳарбий тайёрлик билан машғул бўларди. Шаҳарликлар ҳам зерикшмасди. Улар "Ҳар бир уйда домна печи" шiori остида йиғилишиб, асосий ишдан сўнг чўян қуйишарди. Буюк Йўлбошчи, шунингдек, халқни чумчуқ ва пашшаларни қиришга қақирди. Халқ бечора чумчуқларни экин майдонлардан қувиб қарчамади. Қушларга қўллаб қирон келтиришса-да, пашшалар билан қурашиш қийин кечди. Қучли дорилар ҳам етарлича ёрдам бермади. Шунинг учун ҳам энди ҳар бир хитойлик ёнида пашша ўлдиргич олиб юрадиган бўлди.

Ҳамма мана шу қулғили иш-

лар билан андармон бўлиб юрган пайтда мамлакатда даҳшатли очарчилик бошланди. Қанча одам ўлганини ҳеч ким билмайди. Ясама печларда қуйилган чўянлар ҳеч нарсасга ярамади. Одамлар газаларга бошланди. Мао хатога йўл қўйганини тушунди ва ҳукумат раислигидан воз кечиб, фақат партия назоратини ўзида сақлаб қолди. Буни кутмаган Цзян Цин собиқ биринчи хонимга айлиниб қолишдан ташвишга тушиб қолди. Беш йил мобайнида Мао ўзини-ўзи тушунмай юрди. У поездда мамлакат бўйлаб сафарга чиқиб, халқ билан учрашар ва уларга содиқлигини айтарди. Шу даврда Цзян Цин Буюк Йўлбошчининг катта сиёсатга қайтишини кутди. Мао муваффақиятсизликда ўзини айбдор ҳисобласа, Цин бунга иккиланувчилар ва партия ишига зарар берадиганлар сабабчи, деб ўйларди. Биринчи хоним Маони сиёсатга қайтишга кўндирди. Буюк Йўлбошчи энди катта сиёсатга пролетар маданий инқилобини амалга ошириш гоёси билан қайтди.

Уша пайтда мамлакат раҳбарлиги лю шаочилар қўлида эди. Мао ва Цзян улар билан курашда Хитойнинг янги даврида дунёга келган ёшларга суянишди. Бу ёшларнинг бутун онги шури Маонинг ҳукмронлиги пайтида коммунистик гоёлар билан сўғорилганди. Барча муваффақиятсизликларда зийиллар айбдор деб топилди. Шундай қилиб, ёшлар (уларни хунвейбинчилар деб атай бошлашди) эски маданиятга қарши курашга қаттиқ киришишди. Хунвейбинчилар маданий инқилоб қиламиз, дея театрларга ҳужум уюштиришди, ўқув юртларидан ўзларига таълим берган профессорларнинг соқолларидан судрашиб чиқишди, китобларни ёқишди. Маданий инқилобга қаршилар ва бунда шубҳаланганлар қишлоқларга жўнатилиб, тоза ҳавода жисмоний меҳнат қилишга мажбур қилинар эди. Гўё улар шу тариқа эски гоёлардан покланишарди.

Мамлакатдаги вазият назоратдан чиқа бошлади. Хунвейбинчилар ўзларини хўжайиндек ҳис қилишар, улардан милличи ва ҳатто ҳарбийлар ҳам кўрқинишарди. Хунвейбинчиларни Цзян оташин нутқлари билан илҳомлантирарди. У хунвейбинчиларнинг кучларидан фойдаланиб, баъзи шахсий муаммоларини ҳал қилишга киришиб кетди; Мао билан учрашганига қадар бўлган шахсий маълумотларини йўқотишга эришди. Маданий инқилобни давом эттиришни хоҳла-

ган хунвейбинчилар Маони ҳокимиятнинг энг юқори чўққисига чиқариб қўйишди. Буюк Йўлбошчи уларни ўз вақтида тўхтатмаса, бу ёмон оқибатларга олиб келишини тушуниб етди. У Лин Бяо бошчилигидаги армияга мурожаат қилди. Лин Бяо қўшинларини шаҳарларга олиб чиқди. Ҳарбийлар Маонинг айтганини бажаришди. Энди Лин Бяонинг кераги бўлмади қолди. Кўп ўтмай, у авиаҳалокатда ҳалок бўлди. Буюк Йўлбошчининг бошқа кўзга қўринарли рақиблири қолмади.

Унинг кейинги ҳукмронлик даври тинч кечди. Аммо вақт деган олий ҳакам бор. У билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Мао ҳам кексайиб қолди. Соғлиги қундан-кун ёмонлашиб борди. Энди Цзян ошқора ҳукмронликка даъво қила бошлади. Мао ўлим ёқасида ётганида Цзяннинг асл мақсадини тушуниб етди ва бу ҳақда яқин дўсти Хуа Гофанга айтди.

1976 йилнинг 9 сентябрида Буюк Йўлбошчи 83 ёшида вафот этди. Дохий билан видолашув маросими Тананмен майдонидаги Халқ Йиғинлари ўйида ўтказилди. Цзян Цин оқ қозғодан ясалган катта гўлдасга билан келди. Унга шундай сўзлар ёзилган тасма осилган эди: "Менинг ўқитувчим, Раис Мао Цзедунга, ўқувчиси, ўртоғи Цзян Циндан". Тасмада, шунингдек, Маонинг барча қариндошларининг исми ёзилганди. Рўйхатда исмини топполмаган қариндошлардан бири Цзянга ташланди. Раис бевасининг бошидан ясама оғаси тушиб кетди. Шунда оломон ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Уларнинг олдида бошида битта дона ҳам сочи йўқ аёл турарди. Бу Цзяннинг нур билан даволаниши оқибати эди.

Буюк Йўлбошчининг жасади совумай туриб, бева хоним давлат тўнтраши қилмоқчи бўлди. Уддасидан чиқа олмади. У уч нафар ҳаммаслаги билан қамоққа олинди. Улар Хитойнинг сиёсий тарихига "Тўрт нафар галами" номи билан киришди. Судда уларга умрбод қамоқ жазоси тайинланди. Дастлаб жазонинг бир қисмини Цзян қамоқда ўтказди. Кейинчалик Буюк Йўлбошчининг рафиқаси бўлганлиги учун уни яқши қўрикланадиган жойга қўйиришди. 1991 йилнинг 14 майда Цзян Цинни қўриқчилардан бири осилган ҳолатда топди...

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади aaxabar@mail.uz

FILATELISTLAR BURCHAGI

1996 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

124. "Президент кубоги" почта маркаси. 1996 й. 29 август. Рассом Х.Меҳмонов.

Марка теннис бўйича Президент кубоги учун 3-халқаро турнирнинг очилишига бағишланган. Ёзувлар ўзбек тилида берилган.



Марка бир рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Учами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Бир варақдаги маркалар сони 50 дона. Адаби 30,0 минг дона.

125. "Файзулла Хўжаев" почта маркаси. 1996 й. 17 сентябр. Рассом М. Бақликов.

Марка давлат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган. Маркада Ф.Хўжаев портрети тасвирланган.



Марка икки рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Учами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Бир варақдаги маркалар сони 50 дона. Адаби 30,0 минг дона.

126. "Абдурауф Фитрат" почта маркаси. 1996 й. 7 октябр. Рассом С. Шарипов.

Марка Бухородаги жадидлар ҳаракати асосчиларидан бири, "Еш бухороликлар" партиясининг энг кўзга кўринган вақили Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган. А.Фитрат Ўрта Осиё халқлари ичидан етишиб чиққан биринчи профессор ҳисобланади.



Марка икки рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Марканинг учами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Бир варақдаги маркалар сони 50 дона. Адаби 30,0 минг дона.